БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик) ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 136 (6563)
9 ИЮЛЬ 1946 йил
СЕШАНБА
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА

ВЦСПСда — корхоналардаги ўзаро ёрдам кассаларининг иши тўғрисида (1-нчи бет).

Олинган мажбуриятларни ўз вақтида бажариш—социалистик мусобақанинг энг муҳим шарти.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ. Т. Жўраев. — Ғузор МТС партия ташкилоти ишидаги камчиликлар ҳақида (2-нчи бет).

Сталинча бешйилликда сабзавот маҳсулотини икки ҳисса оширамиз (2-нчи бет).

МАКТАБ ҲАЁТИ. — А. Олимжон. Синов ва имтиҳонлардан ба'зи таассуротлар (3-нчи бет).

Паст ғўзаларни алоҳида парвар[illegible] ни серҳосил қилайлик. Абдулла Ра[illegible] албатта бажарилиши керак (3-нчи [illegible]

АГРОНОМИЯ МАСЛАҲАТИ. С. К[illegible] бет).

Ш. Кузанбоев. — Октябрь рай[illegible] зилаётир (3-нчи бет).

М. Бобош. Хашак тайёрлашга [illegible] бет).

«Тўртлар конференцияси» теварагида [illegible] ...ганини айтиб ўл-

УЧИНЧИ БЕТ

Ш И

[illegible]ида меҳнат [illegible]лаётир

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚНИ ҒОЯВИЙ ЖИҲАТДАН ҚУРОЛЛАНТИРАЙЛИК

Бутун Совет мамлакати улуғ ижодий меҳнат ғайрати блан тўлиб тошган. Сталинча янги бешйиллик план миллионларча меҳнаткашларнинг байроғи, уларнинг кураш ва иш соҳасидаги жанговар программаси бўлиб қолди. Бешйилликнинг душман томонидан вайрон этилган ҳамма нарсани қисқа муддат ичида тиклаш, халқ хўжалигини тараққий этдиришда урушдан аввалги даражага етиб олиш ва сўнгра ундан ўзиб кетишдан иборат улуғвор вазифалари—совет кишиларини илҳомлантириб юборди, уларнинг ватанпарварлик ғайратини янада оширди. Бу нарса саноатимиз, транспортимиз ва қишлоқ хўжалигимизнинг кун сайин эришаётган муваффақиятларида ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Сталинча янги бешйилликни амалга ошириш йўлида кураш олиб бораётган большевиклар партияси ва бутун совет халқи ўз ишида муваффақият қозонишига аминдир, чунки, улар синалган ва ишончли қуролга эгадирлар. Бу қурол—барча фанларнинг фани—Маркс-Энгельс-Ленин-Сталининг жамият ҳақидаги, жамият тараққиёти қонунлари ҳақидаги, пролетар революцияси тараққиёти қонунлари тўғрисидаги, социалистик қурилиш тараққиёти қонунлари ва коммунизмнинг ғалаба қилиши қонунлари ҳақидаги та'лимотдир. Бу улуғ ва доимо ғалаба қилучи та'лимот партия ва халққа ишонч, вазиятга мувофиқ иш кўра билиш учун куч бахш этади, воқиаларнинг ички алоқаларини англаб олишга, ижтимоий тараққиёт истиқболини англаб олишга имкон беради.

Владимир Ильич Ленин «илғор назарияга амал қилучи партиясиз илғор курашчининг ролини ado эта олади» деб та'лим берган эди. Ленинизмнинг илғор назариясига амал қилучи Ленин—Сталин партияси халкимизни социалистик революция ғалабасига, мамлакатимизни социализм ғалабасига олиб келди. Марксизм—ленинизм та'лимоти тинч қурилиш йилларида ҳам, оғир уруш йилларида ҳам большевиклар партияси, совет халқи учун йўл кўрсатучи маш'ал бўлиб хизмат қилди. Ватан урушида қозонган ва тарихда мисли кўрилмаган буюк ғалабамиз Ленин—Сталин ғояларининг тантанаси бўлди. Тарихий тараққиёт тажрибаларининг бутун янгиликлари блан суғорилган ва ана шу тажрибалар блан бойитилган бу ғоялар ғалабамиз туфайли айниқса ҳаётчан ва енгилмас куч бўлиб ғавдаланмоқда. Бу ғоялар жамиятнинг бутун тараққиётига қайта қуруучи қудратли куч бўлиб, мамлакатимизни илғор ва тараққийпарвар инсониятнинг олдинги сафига чиқариб қўйган куч бўлиб та'сир кўрсатаётир.

Халкимизнинг барча моддий ва ма'навий кучларини сафарбар этишни талаб қиладиган янги бешйилликнинг ва кейинги бешйилликларнинг улуғ ижодий вазифаларини ҳал қилишда жуда муҳим бир шартни унутмаслик керак. Ўртоқ Сталин партиянинг XVIII қурултойида бу шарт тўғрисида бундай деган эди:

«Агар биз барча иш тармоқларидаги кадрларимизни ғоявий жиҳатдан тайёрлай олган ва уларни ички ва халқаро вазиятга қараб баҳолаб иш олиб борилган даражада сиёсий жиҳатдан чиниқтира билган бўлсак эди, агар биз уларни мамлакатга раҳбарлик қилиш масалаларини жилдий хатолар қилмасдан ҳал этишга қобил бўлган, том ма'носи блан етилган марксчи-ленинчиларга айлантира билган бўлсак эди, у вақтда барча масалаларимизнинг ўндан тўққизи ҳал қилинган деб ҳисоблаш учун ҳамма асосларга эга бўлган бўлар эдик».

Ўртоқ Сталин бизга та'лим берадики, хўжалик соҳасидаги муваффақиятларимиз, уларнинг мустаҳкамлиги ва узоқ давом этиши партиявий-ташкилий ҳамда партиявий-сиёсий ишларнинг муваффақиятига боғлиқдир. Буни ҳаёт ва тажриба яққол тасдиқламоқда. «Давлат ва партия ишининг ҳар қандай тармоғида ишловчи ходимларнинг сиёсий савияси ва марксча-ленинча онглилиги нақадар юқори бўлса—деб кўрсатади Ўртоқ Сталин—ишнинг ўзи ҳам шу қадар юқорироқ ва самаралироқ бўлади, ишнинг натижалари шу қадар унумлироқ бўлади».

Демак бу ерда гап, ўз миқ'ёси, ўзининг тарихий моҳияти жиҳатидан ғоят катта бўлган янги вазифалар, янги бешйиллик вазифалари партиянинг мафкура соҳасидаги бутун ишини кучайтиришни, оммани коммунистик ғоя руҳида тарбиялаш ишини яхшилашни, ўтмишнинг урф-одатлари ва душман мафкурасининг та'сирига қарши курашни кучайтириш кераклигини ниҳоят талаб қилаётганлиги тўғрисида бораётир.

Мафкура соҳасидаги барча ишларни янгидан зўр бериб кучайтириб юборишнинг та'миналш учун бу мафкуранинг барча қурол ва воситаларидан тўла равишда фойдаланиш керак. Бунинг ма'носи шуки, совет матбуоти, пропаганда ва агитация, фан, бадиий адабиёт ва сан'ат, театр, радио, кино иши янги, юқорироқ даражага кўтарилиши керак. Яхши китоб, яхши спектакль, яхши кинофильм — бу мафкура фронтидаги ғалабадир ва аксинча—ёмон китоб ёмон спектакль, ёмон фильм—бу меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига, демак бутун социалистик қурилиш ишига жиддий зарар етказишдир. Мафкура соҳасидаги ишлар ҳаётдан ажралган ҳолда олиб борилаётган ишлар эмас. Аксинча бу ишлар хозирги пайтда совет халқи олдида турган жанговар вазифаларга бўйсундирилмоғи керак. Бу ишлар ҳаёт блан бирга бориши, ҳаётий тажрибалар блан бойитилиши, ҳаётда кун сайин қўйилаётган масалаларга жавоб бериши керак.

Омма ўртасида мафкура соҳасида олиб борилаётган барча ишларни янада юқори босқичга кўтариш учун, даставвал партия пропагандасини юқори даражага кўтариш, кадрларимизнинг, биринчи навбатда партия кадрларининг, совет интеллигенцияси кадрларининг Маркс—Энгельс—Ленин—Сталин назариясини ўрганиш савиясини юқори даражага кўтариш керак.

ВКП(б) Марказий Комитетининг қарори блан И. В. Сталининг асарлари чиқарилаётир. И. В. Сталин Асарлари биринчи жилдининг чиқиши партиянинг ғоявий ҳаётида жуда катта воқеадир. партияга мафкура соҳасида янги қудратли ғоявий қурол берган воқеадир.

И. В. Сталининг 1901 йилдан тортиб Улуғ Ватан урушининг ғолибона тугалланганига қадар ёзган ҳамма асарларини бир бутун ҳолда тўплаш йўлида уриниш бўлган ва 16 жилдан иборат бу асарларнинг ҳаммаси 1946—1948 йиллар мобайнида нашр этилиб, тамомланиши керак. Ленин та'лимоти ва ишини давом этдириб, Ўртоқ Сталин марксизм-ленинизм назариясини тинмай ривожлантираётир ва илгари сураётир. Ўртоқ Сталининг асарлари кадрларимизни ғоявий жиҳатдан қуроллантиради, янги бешйиллик учун курашда, совет давлатининг қудрати ва кучини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда коммунизм ғалабаси учун курашда йўл-йўриқ кўрсатучи жанговар қуроллдир.

И. В. Сталин Асарлари биринчи жилдининг дун'ёга чиқишини кадрларимиз ниҳоят баланд руҳ блан кутиб олдилар. Мингларча партияли ва партиясиз большевиклар бу китобни ҳозирданоқ ўрганишга киришдилар. Биринчи жилдда 1901—1907 йилларга доир асарлар тўпланган. Кишиларимиз бу китобдан тарих масалалари юзасидангина жавоб топиб қўяқолмайдилар. Улар бу китобдан замонамизнинг кўпгина масалаларига ҳам жавоб топа биладилар, бу китобдан ҳаётимиздаги, кураш ва меҳнатимиз соҳасидаги амалий вазифаларни ҳал қилиш йўлида вазиятни тўғри англаб иш кўра билиш учун зўр куч оладилар. Бу китобда тўпланган асарлар кадрларимизни большевистик партиялиликка ўргатади, инқилобий курашда социалистик онглиликнинг буюк аҳамиятини ва бу курашда ишчилар синфининг раҳбарлик ролини англашга ёрдам беради, назария блан амалиётни боғлаб олиб бора билишга ўргатади, меҳнаткашларни пролетар интернационализми ва халқлар дўстлиги руҳида тарбиялайди, социализмнинг ва большевиклар партияси сиёсатининг илмий негизини тушинтириб беради.

Барча учун, халқ учун чинакам демократиянан иборат бўлган совет тузуми кенг оммани социалистик қурилишда фаол қатнашиш учун отлантирди ва жалб этди. Миллионларча совет ватанпарварлари ўз мамлакатларининг тақдири блан жуда қизиксиналлар. ижтимоий тараққиёт қонунларини англаб олишга ва ўзларининг амалий ишларида, я'ни партия, давлат, хўжалик ишлабчиқариш соҳасидаги ишларда бу қонунлардан фойдаланишга интиладилар. Ленин ва Сталин асарлари социалистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш йўлида совет ватанпарварларининг курашида назарий компаслир.

Коммунистлар партияси мафкура соҳасидаги барча ишларни баланд даражага кўтариш вазифасини муваффақият блан ҳал қилиш учун барча восита ва имкониятларга эгадир. Марксизм-ленинизм классиклари асарларини нашр этиш ана шу восита ва имкониятлар ўртасида жуда муҳим ўринни эгаллайди. В. И. Ленининг қирқ жилддан иборат Асарларининг тўртинчи нашри (уруш туфайли бу иш вактинча тўхтаб колган эди) яна чиқарила бошлади. В. И. Ленин асарлари яна миллионларча меҳнаткашларни назария соҳасидаги ана шу улуғвор ҳазинага жалб этишга имкон беради. В. И. Ленин Асарларининг яна нашр этила бошланиши, И. В. Сталин Асарларининг нашр этила бошланиши партия ва совет халқини коммунизмнинг илғор ғоялари блан, жамият тараққиёти қонунлари тўғрисидаги марксизм—ленинизм фани блан қуроллашишга ёрдам беради. Партия ташкилотларининг вазифаси бу асарларни ўрганишда кадрларимизга ёрдам бериш ва бу блан оммани коммунизм руҳида ғоявий жиҳатдан тарбиялаш соҳасидаги бутун ишларни янги, юқорироқ даражага кўтаришдан иборатдир.

(«ПРАВДА»нинг 7 июльдаги бошмақоласи).

ОЛИНГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА БАЖАРИШ—СОЦИАЛИСТИК МУСОБАКАНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ

МАШИНАСОЗЛАР МУСОБАКАСИ

Ягийўл қанд заводида. Суратда: комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи Мукаррам Бобожонова ва комсомол а'зоси Холпошша Мамажонова ўртоқлар Бутун Иттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, кундалик топшириқни иккиуч ҳисса ошириб бажармоқдалар.

В. Перменов фотоси.

Бир йилдан бери қилинган ижодий меҳнат ўз самараларини берди: Сталин номли Тўқимачилик машинасозлиги заводининг чўян қуючилари ва модельчи дурадгорлари, конструкторлари ва технологлари, инженерлари ва қолипчилари тўқимачилик саноатининг энг мураккаб механизми ҳисобланган арқоқ йигириш машинаси ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар.

Бундан бир йил аввал завод коллективи арқоқ йигириш машинасининг дастлабки намуна нусхасини жуда қисқа муддатда, я'ни бир ой ичида тайёрлаш топшириғини олган эди. Чўян қуючилар ва модельчилар ўртасида социалистик мусобақа ўша кунларда бошланиб кетган эди. Бу цехларнинг технологияси бир-бирига боғлиқ бўлиши сабабли завод партия ташкилоти ҳам бу цехлар ўртасидаги социалистик мусобақага алоҳида аҳамият бериб келди. Чунки модельчилар ёғоч ва юпқа тахтадан машина қисмларининг нусхаларини тайёрлаб берадилар, бу нусхалардан қолип ишланади, чўян ва пўлат қуючилар бу қолипларда металл қисмлар тайёрлайдилар. Бу асосий цехлар ўртасида бошланган социалистик мусобақа натижасида ҳозир тўқимачилик машиналарининг хилма-хил қисмлари кўплаб ишлаб чиқарила бошлади.

Яқинда модельчилар ўзларининг янги ғалабалари тўғрисида рапорт бердилар. Улар муддатидан тўрт кун аввал кўпгина янги ва мураккаб қисмларининг нусхаларини ўзлаштирдилар ва уларни чўян қуючиларга оширдилар.

Қуюв цехида ҳам қизғин иш бошланди. 1500 градус иссиқлик блан чўянни чўғдек қизартириб, уни сувдек эритучи катта печьлар олдида цехнинг энг кекса чўян қуючилари Абдурахмонов, Ниёзов, Сухоос ва бошқа ўртоқлар ғайрат блан ишга киришдилар. Конвейер халқасининг энг мас'улиятли участкасида оловдек иссиқ металлни қолипларга қуйиб, улар ҳар куни бир ярим норма адо эта бошладилар.

Конвейернинг бош томонида Хонзафаровнинг қолипчи комсомол-ёшлар бригадаси ишлайди. Бу бригада май ойида топшириқни 273 процент адо этиб, рекордли меҳнат унумига эришди ва Фрунзе район комсомол комитетининг кўчма қизил байроғини олди.

Бу участкадаги ёш қолипчилардан Файзуллаев, Поленичев, Карпаловский, Коржеков ва бошқалар ҳар куни топшириқни ошиғи блан адо этадилар. Улар бирон марта брак ишлаб чиқаришга йўл қўйган эмаслар.

Арқоқ йигириш машинасининг рамлари тайёрланадиган бўлимда тажрибали мутахассис, Ленин орденли коммунист Иван Петрович Аносов ишлайди. У ҳар куни топшириқни 220—230 процент адо этади.

Чўян қуючилар июнь ойида топшириқни ошиғи блан адо этиш, чўянни 4 процент ва коксни 15 процент тежаш, меҳнат унумини кўтариш мажбуриятини олдилар.

Қуюв цехининг бошлиғи Арон Харитонович Балабан ва модель цехининг бошлиғи Григорий Семенович Афанасьев, цех партия ташкилотчилари блан бирга ҳар куни социалистик мусобақа натижаларини текширадилар. Бу иккала цех ўртасидаги мусобақанинг натижалари заводда ҳаммани қизиктиради.

Шунингдек темирчилик, механика-йиғув ва ёрдамчи цехларда ҳам социалистик мусобақа қизимоқда.

Июнь ойида завод коллективи 20 та тўқув дастгоҳи, 10 та арқоқ йигириш машинаси, битта танда йигириш машинаси, бу машиналар учун 674 минг сўмлик эҳтиёт қисм, 30 минг сўмлик қишлоқ хўжалик машина қисмлари, 52.600 сўмлик кенг истеъмол моллари, шу жумладан плиталар, қозонлар ва бошқа темир-терсак буюмлар ишлаб чиқаради. Бу маҳсулотлар Таганрог ва Одесса шаҳарларида тиклапаётган, Сибирь ва Узоқ шарқда қурилаётган тўқимачилик фабрикаларига жўнатилади. Ўзбекистон машинасозларининг немис-фашист босқинчилар томонидан вайрон қилинган ўлкаларга бераётган ёрдами ва Сталинча янги бешйиллик планни бажаришга кўшган ҳиссаси ана шулардан иборат.

Семён ГЕРШТЕЙН.

МИНГМЕТРЧИЛАР

Намангандаги «Янги ривожия» ҳунармандчилик артели урушдан аввал ўзининг ажойиб атлас ва шойилари блан ном чиқарган эди. Артельда ҳозирда ҳам ўз ишига моҳир косиблар ишламоқда. Улар орасида тажрибали тўқучи Усмон Далабоев ҳам бор.

Дадабоев бир вақт ичида икки дастгоҳ бошқаради. У яқинда ниҳояти 20 кун ишлаб, 1050 метр шойи тўқиди, я'ни ҳар куни 8 нормалан ишлади. Дадабоев косиблар орасида ойнга 1000 метрдан шойи тўқиш ҳаракатини биринчи бўлиб бошлаб берди. Артельнинг кўпгина а'золари ундан намуна олдилар. Ҳозирги вақтда эса, бутун артель коллективи моҳир косиб Дадабоевнинг бу ноёб ташаббусини қизғин қўлламоқда. Артель а'золари ҳунармандчилик артельларининг барча ходимларига мурожаат қабул қилиб, уларни мингметрчилар ҳаракатини қизитиб юборишга чиқиндилар.

«Янги ривожия» артелининг косиблари ўз устларига қуйидаги мажбуриятларни олдилар: улар йиллик атлас, шойи ва кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш планини 20 декабрьда бажарамиз, йил охиригача 165 минг метр атлас ва шойи, 130 минг метр пардозланмаган шойи ва 30 минг метр ип-газлама ишлаб чиқарамиз деб, ва'да бердилар. Артель коллективи 1945 йилдагига қараганда 109 минг метр ортиқ маҳсулот бермоқчи бўлди.

ЕР ҚАЗИШ ИШЛАРИДА МЕХАНИЗМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

Тошкент шаҳрида қурилаётган Боғ-кўлнинг Москва райони участкасида ер қазиш ишларини механикалаштириш мақсадида транспортер келтирилди. Транспортернинг қисмларини йиғиш ишлари тамомланди. У эртадан бошлаб ишга туширалади. Москва райони ўз иш участкасига яна бир транспортер ўрнатиш учун тайёрлик кўрмоқда.

Бундан ташқари Куйбишев ва Марказий районларда ҳам ер қазиш ишларини механикалаштириш юзасидан тайёрлик ишлари олиб борилмоқда.

Электрохимия комбинати янада кўпроқ маҳсулот чиқаради

Сталин номли электрохимия комбинатининг коллективи июнь ойи ишлабчиқариш программасини 106.7 процент бажарди. Етакчи цехлар, шу жумладан ма'дан ўғитлар цехининг коллективлари ойлик планларини анча ошириб адо этдилар.

Комбинат директори Ўртоқ Милованов коллективнинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ярим йиллик ишнинг натижалари ва тўртинчи бешйиллик планни бажариш вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Докладчи бундай деди: 1946 йилнинг биринчи ярмида коллективимиз жиддий муваффақиятларга эришди. Ярим йиллик программа маҳсулот турларига тўла риоя қилинган ҳолда 110.8 процент бажарилди. Комбинат ходимлари ишлабчиқариш программасини ошириб бажариш йўли блангина 40 минг гектарга яқин ерлаги пахтага сепиш учун етадиган миқдорда қўшимча ўғит ишлаб берилар. Комбинат йил охиригача пландан ташқари 150 минг гектар пахта ери учун ма'дан ўғит ишлаб берали. Комбинат ўтган йилнинг биринчи ярмидагига қараганда 12 минг тонналаб зиёд кўпроқ ишлаб чиқарди.

Янги бешйилликда комбинат янада кенгайтирилади. Келаси йилнинг ўзидаёқ бешйиллик планда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан белгиланган топшириқнинг қариб ярмини бажаришга эришилади. Янги цехлар ва омборлар битказилиб, фойдаланишга топширилади. Шу бу йил 2500 квадрат метр ҳажмида уй-жой бинолари қурилади. Келаси йил уй-жой фондининг ҳажми қарийб 20.000 квадратметр кенгаяди. Маданият уйи, ҳаммом ва кирхоналар қурилади. Болалар муассасаларининг сони кўпайтирилади. Жуда яхши жиҳозлантирилган шифохона ишга бошлайди.

Тошкент область партия комитети секретарининг ўринбосари Ўртоқ Касьянов УзК(б)П Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг топшириғи блан УзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг уруш йилларида та'сис этилган кўчма қизил байроғини абадий сақлаш учун комбинат коллективига топширди.

ВЦСПСда

Корхоналардаги ўзаро ёрдам кассаларининг иши тўғрисида

ВЦСПС президиуми ўзаро ёрдам кассаларининг ишларини янада яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сўнгги бир ярим йил ичида ўзаро ёрдам кассаларининг сони икки мартадан зиёдроқ кўпайди—3.000 тадан 7.000 тага етди. 175 мингдан ортиқ меҳнаткаш 74.5 миллион сўм миқдорида узоқ муддатли қарз олди.

ВЦСПС президиуми кўпгина касаба союз ташкилотларининг ўзаро ёрдам кассаларига етарли даражада э'тибор қилмаётганликларини та'кидлайди, касаба союз ташкилотлари ўзаро ёрдам кассаларининг ишларига раҳбарлик қилмайдилар, уларнинг ишларини кучайтириш учун берилаётган маблағлардан фойдаланилмаётир.

Касаба союз ташкилотларига биринчи галда янги ўзаро ёрдам кассалари ташкил этилиши лозим бўлган корхона ва муассасаларни аниқлаш топширилди. Ўзаро ёрдам кассаларининг правленияларига меҳнаткашларнинг талабларига э'тибор ва сезгирлик блан қараш таклиф қилинди. Қарз олиш тўғрисида берилган ҳарбир ариза ўн кундан кечиктирилмай кўрилиши лозим.

Ўзаро ёрдам кассаларини кучайтириш учун касаба союз бюджетидан ажратилган маблағлар ўз вақтида кассаларга топширилиши керак.

ЖАМБУЛНИНГ АСАРЛАРИ СОВЕТ ИТТИФОҚИДАГИ 32 ХАЛҚ ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

Жамбулнинг туғилганига юз йил тўлиши муносабати блан Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институти ва Пушкин номли давлат халқ кутубхонаси оқиннинг асарлари ва унинг тўғрисидаги китоблар рўйхатини тузиб чиқди. Жамбулнинг қўшиқ ва достонлари Совет Иттифоқидаги 32 халқ тилига, шу жумладан татар, бошқирд, авар тилига ва бошқа тилларга таржима қилинган. Рус тилида Жамбулнинг 20 дан ортиқ тўплами ва унинг ҳаёти ҳамда ижоди тўғрисида ёзилган 100 дан ортиқ мақола нашр этилди. Қозоғистоннинг ўзидагина кейинги беш йил ичида оқиннинг асарлари 230 минг нусха нашр этилди. Оқиннинг қўшиқлари инглиз, француз, испан тилларига ва бошқа бир қанча ажнабий тилларга ҳам таржима қилинди.

Қозоғистон халқ оқини асарларининг қардош халқлар тилида ва ажнабий тилларда чиққан нусҳаларидан оқиннинг овулидаги музейга намуналар қўйилди.

ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ БУТУН ИТТИФОҚ КОНКУРСИ

РОСТОВ-ДОН, 7 июль (ТАСС). Биринчи май паркининг ёзлик театрида эстрада артистлари Бутун Иттифоқ конкурсининг биринчи давраси бошланди.

Кўрикка Сталинград, Қрим, Тамбов, Воронеж областлари, Ставрополь ва Краснодар ўлкалари, Шимолий Осетия, Дағистон ҳамда Кабарда автоном республикалари ва бошқа республикалардан вакиллар келди.

ЛЕНИНГРАД-МОСКВА-ЛЕНИНГРАД ЎРТАСИДА

ЛЕНИНГРАД, 5 июль (ТАСС). Кеча Москва йўлида Ленинград-Москва-Ленинград ўртасида автомобиль пойгаси бошланди. Тўла юк ортган «ЗИС—5» маркали 10 та автомашина йўлга чиқди. Ба'зи машиналарга тирков уланган. 1500 километрга яқин масофадаги пойга оддий автомашиналарда узоқ ерга юк ташишнинг фойдасини кўрсатиши керак. Машина ҳайдовчилар олдига мумкин қадар камроқ ёнилги сарфлаш ва ҳаракат графигига қаттиқ риоя қилиш вазифаси қўйилган.

Автоколонна йўлда 3 июльда Москвадан сафарга чиққан худди шундай бошқа бир колонна блан учрашиши керак. Ленинград машиналари пойтахтда юклари бўшатилиб, уларга янги юк ортилади ва бирнеча кундан сўнг бу машиналар яна қайтиб кетади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Кўп болали оналарни „Оналик шуҳрати" орденлари ва „Оналик медали" медальлари блан мукофотлаш тўғрисида

СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 18 августда чиқарган Фармонига мувофиқ қуйидаги оналар СССР Олий Совети Президиуми номидан мукофотлансин:

Тўққиз бола туғиб тарбиялаган оналар

I ДАРАЖА «ОНАЛИК ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БЛАН

Наманган области бўйича

1. **Ойшабиби Абдураззоқова** — Чуст район, Олмос қишлоқ советида туручи уй хўжаси.
2. **Тожихон Дадабоева** — Наманган район, Куйбишев қишлоқ советидаги «Ёш қаҳрамон» колхозининг а'зоси.
3. **Қориянон Каримова** — Наманган район, Куйбишев қишлоқ советидаги «I Ровистон» колхозининг а'зоси.
4. **Хайрибиби Мирзабоева** — Наманган район, Қораполвон қишлоқ советидаги «Қизил меҳнат» колхозининг а'зоси.
5. **Уролбиби Ҳамробоева** — Наманган район, Тошбулоқ қишлоқ советидаги «Деҳқонобод» колхозининг а'зоси.

Саккиз бола туғиб тарбиялаган оналар

II ДАРАЖА «ОНАЛИК ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БЛАН

1. **Сарвархон Омонова** — Норин район, Кемабоши қишлоқ советидаги «Тошқин бирлашув» колхозининг а'зоси.
2. **Ойимхон Аҳмедова** — Наманган район, Куйбишев қишлоқ советидаги «Ёш қаҳрамон» колхозининг а'зоси.
3. **Тожихон Аҳмедова** — Наманган район, Куйбишев қишлоқ советида туручи уй хўжаси.
4. **Ойимхон Зокирова** — Наманган район, Куйбишев қишлоқ советидаги «Саноат» колхозининг а'зоси.
5. **Шамсихон Исабоева** — Наманган район, Қораполвон қишлоқ советидаги «Коммуна» колхозининг а'зоси.
6. **Қурбонбиби Мақсудова** — Наманган шаҳар, Норин кўчасида туручи уй хўжаси.
7. **Ҳалима Мирзаабдуллаева** — Норин район, Ленинобод қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз а'зоси.
8. **Ражаббиби Мирзаева** — Норин район, Пахта қишлоқ советида туручи уй хўжаси.
9. **Хайринисо Расулева** — Наманган район, Куйбишев қишлоқ советидаги «Қизил куч» колхозининг а'зоси.
10. **Ойшахон Раҳимбоева** — Наманган шаҳар, Тельман номли кўчада туручи уй хўжаси.
11. **Зубайда Сотиболдиева** — Норин район, Тодин қишлоқ советидаги Калинин номли колхоз а'зоси.
12. **Жаҳонпошша Тўрахонова** — Наманган район, Тошбулоқ қишлоқ советидаги «Деҳқонобод» колхозининг а'зоси.
13. **Тожинор Хўжаёрова** — Поп район, Хўжаобод қишлоқ советидаги Куйбишев номли колхоз а'зоси.

Етти бола туғиб тарбиялаган оналар

III ДАРАЖА «ОНАЛИК ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БЛАН

1. **Мўйрахон Абдуллаева** — Наманган район, Куйбишев қишлоқ советидаги «Қизил куч» колхозининг а'зоси.

(ДАВОМИ БОР).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

...га ...а

... институти ...инг мудири Т. Абдуллаев анча вақтдан буён ЎзК(б)П шаҳар комитетининг штатсиз лектори бўлиб ишлайди. У меҳнаткашлар ўртасида илмий мавзу'ларда лекциялар ўқиб туради. Унинг лекциялари содда ва тушинарли бўлади. Бунга сабаб ўртоқ Абдуллаев бирар мавзу' устида лекция ўқимоқчи бўлса, унга олдиндан яхши тайёрланади. Лекция ўқиганида турмушдан, илмий асарлардан мисоллар келтириб сўзлайди. Унинг «оламнинг яратилиши» тўғрисида қилган лекцияси кишиларда катта та'сир қолдирди. Ўртоқ Абдуллаев оламнинг яратилишини тингловчиларга фан асосида тушинтириб берди. У дун'ёнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги нотўғри тушинчаларни қаттиқ танқид қилди ва хурофий фикрларнинг нотўғрилигини фактлар блан кўрсатиб ўтди.

Ўртоқ Абдуллаев кўпроқ халқ тўпланадиган жойларда — маданият-истироҳат боғлари, қизил чойхоналар, клуб ва қироатхоналарда лекциялар ўқийди. Унинг яқинда шаҳардаги маданият ва истироҳат боғида «Хурофий тушинчаларга қарши кураш ва фаннинг аҳамияти» ҳақида қилган лекциясини 150 талаба кўпроқ киши тинглади. Лектор кўп табиий ходисаларни содда қилиб тингловчиларга тушинтириб бера олди. Ўртоқ Абдуллаев ўз лекциясида гапни ернинг яратилишидан бошлади. У, кишилик фикр қила бошлагандан бери уларда оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги бошланғич тушинчаларни, диний қарашларни ва ниҳоят ақл кучи ўсиши натижасида вужудга келган фанний ҳақиқатларни бирма-бир сўзлаб берди.

Тингловчилар ернинг қандай пайдо бўлганлиги ҳақидаги лекторнинг сўзларини қаҳжон блан тингладилар. Лектор одамнинг вужудга келиш давларини санаб ва бир-бирига боғлаб кўрсатди. Ўртоқ Абдуллаев бундан бошқа яна энг муҳим табиий ходисаларни я'ни зилзила, Ой ва Қуёш тутилиши, момақалдироқ ва чақмоқ хам «юлдузларнинг учиш» сирларини айтиб ўтди.

Сўнгги вақтда Андижон шаҳрида ва областьнинг атроф районларида илмий-оқартув пропагандаси кучая бошлади. ЎзК(б)П Андижон шаҳар комитетининг штатли ва штатсиз пропагандистлари, лекторлари жойларда, «Оламнинг пайдо бўлиши», «Сайёраларда ҳаёт борми», «Одамнинг пайдо бўлиши», «Қуёш ва Ойнинг тутилиши», «Социалистик фан ва маданиятнинг ривожланиши» легян ва бошқа жуда кўп мавзу'ларда лекция ўқидилар.

Ўқитучи Ўртоқ Губаев шаҳар атрофидаги колхозларда «Зилзила» ҳақида лекция ўқиди. Лектор зилзиланинг келиб чиқиши ва унинг зарари тўғрисида қизиқ-қизиқ мисоллар келтириб гапирди. У Япония ва Туркияда бўлиб ўтган зилзилалар натижасида шаҳар ва қишлоқларнинг вайрон бўлгани, жуда кўп қурбонлар берилгани ҳақида сўзлади. Ўртоқ Губаев зилзиланинг пайдо бўлиш сабабларини илмий асосда кўрсатиб берди. Шу блан бирга Ер қимирлаши тўғрисидаги хурофий ёлғонларни очиб ташлади.

Лекторлар иқтисодий ва тарихий фанларга оид айрим олимлар, адиблар ва буюк кишиларнинг ҳаёти ҳамда ижодий ишлари тўғрисида ҳам меҳнаткашлар ўртасида лекция ўқимоқдалар. Тил адабиёт ўқитучиси ўртоқ Холботирова буюк шоир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида лекция ўқиди. Лектор Навоийнинг асарларидан парчалар келтирди.

Илмий, сиёсий мавзу'ларда ўқилаётган лекциялар кенг меҳнаткашлар ўртасида катта қизиқиш туғдирмоқда.

Ғузор МТС партия ташкилоти ишидаги камчиликлар ҳақида

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, меҳнатни енгиллатишда механизациянинг роли ғоят каттадир. Колхозларда механизациядан кенг фойдаланиш соҳасида МТС лардаги бошланғич партия ташкилотлари устига катта вазифалар юклатилган. ЎзССР Министрлар Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитети 1946 йил 21 майда «МТС ва совхозларнинг трактор паркидан яхши фойдаланиш чоралари тўғрисида»ги қарорида: «МТС бошланғич партия ташкилоти трактор ишларида яхши натижаларга эришмоқ учун МТС тракторчилари, механиклари, ремонт ишчилари ва мутахассисларининг социалистик мусобақасига бошчилик қилишлари ва биринчи галда коммунистлар олдига катта талаблар қўйишлари керак» дейилади.

Лекин Қашқадар'ё областидаги Ғузор МТС бошланғич партия ташкилоти (секретари Ўртоқ Зулфиқоров) партия ва ҳукуматнинг бу кўрсатмасига тўла амал қилмади. МТС 4—5 йилдан бери сурункасига планни бажармаётир. Бу йил ҳам 133 трактордан лоақал 100 тасини ҳам ремонтдан чиқара олмади. Ҳозир фақат 68 тагина трактор далада ишлаб турмоқда.

МТС раҳбарлари 27 тракторни тузатиш мумкин бўлгани ҳолда «ишдан чиқиб қолди» деб, уларни «тузалмас» тракторлар сафига қўшиб қўйдилар. МТСда битта кўчма устахона бор. Тракторчилар зарур бўлиб қолган қисмларни 10—12 километр йўл босиб, МТСдан олиб келадилар. Натижада, МТС 36 минг ўрнига 16 минг гектар ер ҳайдаб, 20 июньгача йиллик трактор ишлари планини 46 процент бажарди. Йилнинг биринчи ярмида МТСдаги кўпчилик трактор бригадалари жуда ёмон ишлади. Агабов бошлиқ трактор бригадаси 1027 гектар ўрнига 130 гектар, Пардаев бошлиқ трактор бригадаси 948 ўрнига 350 гектар ер ҳайдади. Коммунист Нурматов бошлиқ трактор бригадаси ҳам йиллик ҳайдаш планини 50 процент бажаролмади. Область ер бўлимининг планига мувофиқ МТС 20 майгача 46 комбайнни тўлиқ ремонтдан чиқариши лозим эди. Лекин 18 майгача фақат битта комбайн ремонтдан чиқарилди.

МТСда яхши ишлаётган трактор бригадалари ва айрим тракторчилар ҳам йўқ эмас, 600 гектарчилар ҳаракатига қўшилган кўпчилик тракторчилар йиллик планларини ошириб бажардилар. Партия кандидати ўртоқ Ҳусанов СТЗ тракторлари блан 300 ўрнига 430 гектар, тракторчилардан Қурбонов 448 гектар, Нормўминов 541 гектар ер ҳайдаб, йиллик планларини аллақачонлар ошириб бажарган эдилар. Коммунист Бектов бошлиқ трактор бригадаси ҳам йиллик трактор ишлари планини икки баравар ошириб бажарди.

Аммо, МТС партия ташкилоти илғорлар тажрибасини оммалаштириш, шу асосда социалистик мусобақани қизитишга бошчилик қилмади. Бу эса партия ташкилоти ишидаги энг асосий камчиликлардан биридир. МТС партия ташкилоти ишчи, хизматчилар ва тракторчиларнинг маданий-маиший турмушларини яхшилашга ҳам етарли э'тибор қилмайди. МТС ишчи-хизматчилари учун иссиқ овқат тайёрланмади. Медицина пунктлари йўқ. МТС ҳузурида тракторчилар учун ётоқхона биноси солинмаган.

МТС ишида бундай камчиликларнинг юз беришига сабаб тракторчилар, комбайнчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларнинг бутунлай ташландиқ ҳолда бўлишидир. Чунончи, клуб ва кутубхоналар ёпиб қолган. МТСда бирорта ҳам радио ишламайди. Ишчиларнинг йиғилишлари онда-сонда ўтказилади. МТС ҳузуридаги қизил чойхонада ҳечқанақа оммавий-сиёсий иш йўқ. Тракторчилар ўртасида янги бешйиллик план ҳақидаги Қонун ўрганилмаётир.

МТС партия ташкилоти социалистик мусобақани ривожлантиришда комсомол ва профсоюз активларини жалб қилмади. МТС комсомол ташкилотида уч ойдан бери секретарь йўқ. Партия ташкилотининг секретари ўртоқ Зулфиқоров ёш коммунистларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш масалалари блан мутлақо қизиқмайди. Ташкилотдаги 27 коммунистнинг 13 таси бутунлай саводсиз ёки чаласавод. Шундай бўлгандан кейин партия ўқиши тўғрисида гапириш ҳам ортиқча.

Ғузор МТС партия ташкилотининг ишидаги бу хатолар Ғузор район партия комитетига аллақачонлардан бери ма'лум. Лекин райком секретарьлари Бурнев ва Тошев ўртоқлар партия ташкилотининг ишидаги бу камчиликларни тузатишга сра қизиқмадилар. Улар ҳар замон-ҳар замонда райком бюро йиғилишларида МТС директорининг ҳисобини эшитиш блан кифояланадилар.

Яқинда ЎзК(б)П Марказий Комитети бюроси Ғузор МТС бошланғич партия ташкилотининг ҳисобини эшитди. Бюро МТС бошланғич партия ташкилотининг ишидаги мана шу хато ва камчиликларни тузатиш йўлларини кўрсатиб ўтди ва МТС ишларини ВКП(б) Марказий Комитетининг «Қашқадар'ё области ҳақидаги 1945 йил 19 сентябрь қарори» асосида қайтадан қуриш зарурлигини, МТСда оммавий-сиёсий ва партиявий ишларни тубдан яхшилаш, янги механизация кадрларни тайёрлашга жиддий э'тибор бериш, механизация кадрларининг сиёсий савияси ва малакасини ошириш, уларнинг моддий ва маиший аҳволини яхшилаш чораларини белгилади.

Ғузор МТС бошланғич партия ташкилоти ишидаги хато ва камчиликлар республикамизнинг бирмунча МТС бошланғич партия ташкилотларининг ишларида ҳам мавжуддир. Республикамиздаги МТС бошланғич партия ташкилотлари ЎзК(б)П Марказий Комитетининг Ғузор МТС бошланғич партия ташкилоти иши ҳақидаги кўрсатмаларидан тегишли хулоса чиқаришлари лозим.

Т. ЖУРАЕВ.

ЎзК(б)П Марказий Комитети ташкилот-инструкторлик бўлимининг мас'ул ташкилотчиси.

Самарқанд шаҳридаги 8-нчи март номли ҳунармандчилик артелининг анча катта бўлмаган трикотаж устахонаси ўрнида давлат трикотаж фабрикаси барпо этилди. Суратда: тўқув цехида.

А. Кузьменко фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЎЗБЕКИСТОН ШАХМАТ МУСОБАҚАСИ

Ўзбекистон ССР шахмат биринчилиги учун Самарқандда бўлаётган ярим финал ўйинлари қизғин давом этмоқда.

Мусобақада қатнашиш учун республиканинг турли райоэларидан келган шахматчилар икки группага бўлинган. Ҳар бир группада 11 киши ўйнаётир. Ҳозирча 7 ўйин ўйналди.

Биринчи группада бухороли Султон Ҳожибеков блан тошкентли Кириллов олдинда бормоқдалар. Уларнинг ҳар иккиси бештадан ютуққа эга. Булар кетидан тошкентли Антонов ва Кучмар (ҳар иккаласининг тўрттадан ютуғи бор), самарқандли Ким (3,5 ютуқ) бормоқдалар. Биринчи группада хотин-қизларнинг бирдан-бир вакили Ўртоқ Дмитрук ҳам ўйнамоқда. Лекин Ўртоқ Дмитрук ҳозирча мусобақада унча муваффақият қозонолган эмас.

Иккинчи группада Тошкент областьли ўртоқ Шахзода олдинда бормоқда. У ҳозирча 5 ютуққа эга. Сўнгра Самарқанд чемпиони Киелов муваффақиятли ўйнамоқда. Унинг тўртта ютуғи бор. Лекин Қўқон чемпиони Саидхонов бу сафар анча бўш ўйнаётир. У 6 ўйиндан 3 тасини ютқазиб қўйди. Бу группада тошкентли Логизов ва Перевозников, самарқандли Фатхуллиларнинг финалга чиқиш эҳтимоли бор.

Б. ПЕРЕВОЗНИКОВ.

КОЛХОЗДА УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛМОҚДА

Тошкент область, Оржоникидзе район, Сталин қишлоқ советидаги «Қизил куч» колхозида якка уй-жой қурилиши йил сайин ўсмоқда. Бу йил колхоз правленияси томонидан стахановчи колхозчилар, Ватан уруши инвалидлари ҳамда ҳалок бўлган жангчиларнинг оила а'золаридан 50 хўжаликка янги тандаги уйлар қурилмоқда.

«ОКТЯБРЬ ЎН ЙИЛЛИГИ» ДАМ ОЛИШ УЙИ ЯНА ИШГА БОШЛАДИ

Тошкент областининг баҳаво жойларидан ҳисобланган—Троицкидаги Зоғариқ яқинига жойлашган «Октябрь ўн йиллиги» номли дам олиш уйи уруш кунларида ёпилиб қолган эди. Тинч давр бошланиши блан дам олиш уйи меҳнаткашларга яна хизмат қила бошлади. Ҳозир бу ерда 800 киши дам олмоқда.

ЯНГИ ҲАММОМЛАР ҚУРИЛАДИ

Шу йилнинг учинчи квартал охирларида Тошкент областининг Бекобод, Сирдар'ё, Чиноз районларида янги ҳаммомлар қурила бошланади. Ҳаммомларни қуриш учун 180 минг сўм маблағ ажратилган. Ҳозир қурилиш юзасидан дастлабки тайёрлик ишлари олиб борилмоқда. Ҳаммомлар 1947 йилнинг биринчи кварталида ишга туширилиши лозим.

МАКТАБ ҲАЁТИ

СИНОВ ВА ИМТИҲОНЛАРДАН БА'ЗИ ТААССУРОТЛАР

Рус тили ўқитучиси етуклик аттестати имтиҳони бўлаётган синфнинг доскасига «А. С. Пушкин биографиясидан» деган баён мавзу'ини ёзиб қўйди. Сўнг, ЎзССР Маориф министрлиги томонидан юборилган баён текстини ўқиб берди. X синфни тугатаётган 9 қизнинг бутун фикри-зикри буюк рус шоири А. С. Пушкиннинг ҳаёт йўли ва ижодини имкони борича рус тилида ифодалаб беришга йўналган эди. Ахир, улар 7—8 йилдан бери буюк миллатнинг салмоқдор ва жозибадор тилини сиқиқлик блан ўрганишга интилиб келадилар. Ёшлар ўтмиш, ҳозирги ва келажак замоннинг илм ҳазинасига олтин калид — рус тили орқали эришиш мумкинлигини, етуклик ва маданий қувватнинг ўлчов тоши ҳисоблаган рус тилини ўрганиш ҳам шараф, ҳам фарз эканлигини билиб олмоқдалар.

Мана, Тошкент Октябрь районидаги 23-нчи ўрта мактабнинг X синфини битираётган Ҳадича Муҳамаджонова, Холида Нурматова ва Жамила Қўчқоровларнинг дафтар варағининг 5-6 бетини тўлдириб ёзган баёнларида имло, тиниш белгиларидан хатолар йўқ даражада! Баён анча саводли ёзилган. Уларнинг ёзган баёнларида мазмунан мукаммаллик, пухта жумлалар, рус адабий тилининг шираси сезилиб турибди. Шунингдек, Александр Сергеевич Пушкиннинг оилавий ҳаёти, ўқиш даврлари, адабий муҳитга кириши ҳамда тезда кўзга кўриниши, «Эркинлик», «Қишлоқ», «Сибирьга мактуб» ше'рларининг ёзилиши ва шоир бошига тушган сургун, қувғин, ҳақорат, маш'ум дуэл мажоралари ва ниҳоят улуғ шоирнинг вафоти жарангловчи рус тилида бемалол баён қилинган. Имтиҳон бераётган қизларнинг деярлик ҳаммаси Пушкин ижодининг ўз замонасида ва бизнинг давримиздаги аҳамияти, та'сирини қисқача ифодалаб берган.

Рус тили ўқитучиси Роза Шмурина, шаҳар халқ маорифи бўлимининг вакили Ҳ. Мустафин, ассистентлардан — Ф. Латипов, М. Тўхташовлар ўқучиларнинг ишини синчиклаб текшириб чиқиб, Холида, Жамила ва Ҳадичаларнинг ёзган ишига «5» баҳо қўйди. Имтиҳон комиссиясининг раиси мактаб директори Ўртоқ Р. Ботирхонова ўша замонқ комиссия а'золарининг фикрини ма'қуллайди. Лекин, имтиҳон комиссиясининг а'золари бутунлай хотиржамликка берилиб кетмади. Бу яхши хусусият. Ҳақиқатан ҳам ҳали рус тилини пухта эгаллаш учун мактабларда жуда кўп иш қилиниши, астойдил ўқиш талаб қилинади. X синфни тугатаётган Ма'фират Хасанова баённи мазмунан анча дуруст ёзган. Лекин, у бирнеча сўзни нотўғри ёзган. Шунингдек, у Пушкиннинг «Кинжал» ше'рини аниқ билмагани учун «Кинжам» деб ёзган. Ба'зи ўқучилар шоирнинг «Қишлоқ» («деревня») ше'рини «Дарат» («деревья») деб тушинганлар. Аммо шуни ҳам нотўғри ёзганлар. Бирнеча ўқучилар эса, «и» блан «н»ни, «к», «ш», «щ» ҳарфларини аниқ ёзмай, ундай ўқиса ҳам, бундай ўқиса ҳам бўладиган қилиб ёзганлар. Бу эса, албатта рус тилидан (умуман деса ҳам бўлади) ҳуснихат машқ қилинмаганлигини кўрсатади.

★ ★ ★

Худди шу мактабнинг VII синфида инглиз тили дарсидан ўтказилган синовда ҳам рус тилидан бўлган имтиҳонда кўрилган камчиликлар кўзга яққол ташланади. VII синфни тугатаётган ўқучилардан Маҳбуба Олимжонова, Карима Рўзиева ва Робиа Воҳидовалар инглиз тилининг бошланғич грамматикасини, дарсликдаги терминларни яхши ўзлаштирганлар. Улардa содда гаплар тузиш, қисқа жумлаларни тўғри таржима қилиш малакаси бор. Лекин синфдаги бошқа ўқучиларда инглиз тилидан ибтидоий грамматика ва терминалогик тушинчага эга эмаслар. Синфдаги юпчилик ўқучилар инглизча сўзларни ўқиганда ҳарфларни, урғуларни тўғри айтолмайдилар. Синфдаги Тоҳирова ва Ҳошимова каби ўқучилар «китоб», «синф» каби оддий, ўқучига бевосита яқин бўлган сўзларни ҳам билмайдилар. Инглиз тили ўқитучиси ўқучиларнинг сўз камбағаллигини ошириш учун бўлса керак, «бу китобда йўқ сўз» деб энг оддий сўзларни ҳам ўқитмаганини оқламоқчи бўлди. Синф бўйича фақат битта инглиз тили дарслиги бор, халос. Шундай бўлгандан сўнг дарсликкагина суяниб қолиш кифоя қилмайди. Балки ўқитучининг ўзи ўқучиларнинг сўз бойлигини ошириш учун қўшимча тадбирлар кўриши керак эди.

Мактабнинг IX синфида «Дарвинизм асослари» дарсидан ўтказилган синов ҳам, асосан, ҳамма мактабларимизга умумий бўлган бир қанча камчиликларни кўрсатиб берди. Биринчидан, ўқучилар ўқитучи томонидан берилган тайёр иборалар, фикрларни дафтарда қандай ёзилган бўлса, худди шундай ёддан айтиб, та'рифлаб берадилар. Аммо шу айтилган (қоғаздаги ифодаларни мазмунига яхши тушиниб олмаганлари учун ҳаётдан, ҳайвонлар ёки ўсимликлар оламидан конкрет мисоллар кўрсатиб бераолмайдилар. Масалан, ўқучи Аминова «сун'ий танлаш» нима эканлигини айтиб берди. Лекин, мисол блан тушинтириб, ўсимлик ва ҳайвонот оламига татбиқ эта олмади. Шу ўқучи Мичуриннинг тугилган жойини ва олим киши эканлигини билса ҳам, унинг қандай тажрибалар ўтказганлигини ва қандай натижаларга эришганлигини билмайди. Ўқучи Х. Мусаева ҳам «органик дун'ёнинг турли-туманлиги ва бирлиги» саволини умумий сўзлар блан айтди. Лекин, шу бирлик ва хилма-хилликнинг нимадан иборат эканлигини ўзи тушинганича айтиб бера олмади, иккинчидан синовдан ўтган ўқучилар машҳур олимлардан Лисенко, Тимерязевларнинг ким эканликларини билмайдилар.

Дарвинизм асослари табиий фанлар ичида энг қизиқарли, ҳаётий фандир. Ўрта мактабни тугатиб чиқадиган ўқучилар ўзлари яшаётган муҳитни, ҳайвонот ва ўсимлик дун'ёсини яхши билишлари керак. Шунинг учун ҳам мактабда табиёт дарси ва шунга жипс боғлиқ бўлган дарвинизм асослари дарси ўқитучиларнинг ёшларга билим беришда методик маҳоратга эга бўлмоқларини талаб қилади. Дарвинизм асослари дарси ўқитучиси Ўртоқ Р. Ҳасанов эса, ўқучиларга бу фан асосларини сингдиришда анча бўш иш олиб борган. Хатто, ўқитучининг ёзган синов билетида ҳам «ўрганизм», «селлекция» каби имло хатолар блан ёзилган сўзлар кўп учрайди.

Рус тили, чет тил ва дарвинизм асослари дарсларидан бўлган имтиҳон ва синовлардан олинган умумий таассурот ва кўзга ташланган нуқсонлар ана шулар. Синов ва имтиҳонлардаги ютуқларнинг мустаҳкамлаш, салбий томонларни ҳисобга олган ҳолда, ўқув йилини самарали якунлаш мактаб коллективининг бурчидир.

А. ОЛИМЖОН.

Водил колхозлари нега газета олмайди?

(«Қизил Ўзбекистон»нинг Фарғона область мухбиридан)

Меҳнаткашларнинг онгини оширишда, шубҳасиз, газеталаримиз катта роль ўйнайди. Шу сабабли кундалик газетани омма орасида тез тарқатиш айниқса муҳимдир. Аммо, Фарғона область Водил районида газета тарқатишга аҳамият бермайдилар.

Райондаги 30 колхоздан 14 таси ва 9 мактабдан 4 таси маҳаллий ва республика газеталарини олмайди. Миндон қишлоқ советидаги «Правда» ва Молотов номли, Каптархона қишлоқ советидаги Юсупов, Охунбобоев номли колхозларда газеталарга обуна ўтказилмаган.

Газетага ёзилган колхозлар эса, кўпинча газетани ўз вақтида олиб турмайдилар. Ба'зан жуда қечикиб, я'ни орадан 5—6 кун ўтгач оладилар. Чим'ён қишлоқ советидаги Карл Маркс, Димитров номли, Қўрғонтепа қишлоқ советидаги Жуков номли ва Водил қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхозларга кўп вақт республика газеталари элтиб берилмайди. Газета ва хатлар почта бўлимида тўпланиб, ҳафталаб ётаберади. Почта бўлимининг бошлиғи ўртоқ Акбаровнинг ўз вазифасига бепарво қараши орқасида, ана шундай ёмон аҳвол юз берди.

Район партия комитети агитация — пропаганда бўлимининг мудири ўртоқ Раҳимхўжаев бу аҳволдан хабардор бўлгани ҳолда, негадир газета ва журналларни омма орасида тарқатиш каби муҳим иш блан шуғулланмайди.

Қ. ЮСУФИЙ.

Сталинча бешйилликда сабзавот маҳсулотини икки ҳисса оширамиз

Янгийўл районидаги Каганович номли колхоз а'золарининг сталинча тўртинчи бешйилликда техника экинларини ривожлантириш планини ошириб бажариш юзасидан қилган мурожаати, бизни сабзавот маҳсулотини кўпайтиришга, сталинча тўртинчи бешйилликда сабзавотчиликни янада ривожлантиришга руҳлантирди.

Колхоз правленияси ва партия ташкилоти яқинда колхозчиларнинг умумий йиғилишини ўтказди. Бу йиғилишда СССР халқ хўжалигини тиклаш ва янада ривожлантириш тўртинчи бешйиллик плани муҳокама қилинди. Каганович номидаги пахтакор колхознинг мурожаати ҳам ўрганилди. Шундан кейин колхозчиларимиз колхознинг тўртинчи бешйилликда сабзавотчиликни ривожлантириш планини тузишни лозим топдилар.

Биз сталинча тўртинчи бешйилликда 199 гектар сувли ерларимизни қўриқ, тўқайзорлар ҳисобига 240 гектарга етказишни лозим топдик. Биз бу йил 60 гектар ерга картошка экдик. 1950 йилда картошка майдонини 90 гектарга етказиб, ҳосилини гектарига бу йилги 12 тонна ўрнига 20 тоннага оширамиз. Ҳозир ҳар гектардан 25 тоннадан помидор ҳосили олаётирмиз. Сталинча тўртинчи бешйилликнинг охирига бориб, ҳарбир гектардан 40 тоннадан помидор етиштирамиз. Шунингдек карам, сабзи, пиёз, қовун-тарвуз экинлари ҳосилини ҳам 2—3 ҳисса ортдиришни мўлжалладик.

Колхозимиз 1945 йилда ҳаммаси бўлиб 2.821 тонна маҳсулот олиб, ишлабчиқариш планини 104 процент бажарган эди. Сталинча тўртинчи бешйилликнинг биринчи йили бўлмиш 1946 йилда 2.933,5 тонна маҳсулот олишни мўлжаллаймиз. 1950 йилда эса жам'и маҳсулотимиз 5.470 тоннага етказилади.

Колхозимизнинг бешйиллик планини тузар эканмиз, жамоат чорвачилигини ривожлантириш, колхозда янги қурилишлар барпо қилиш, боқчачиликни кучайтиришга ҳам катта аҳамият берилди. Ҳозирги 72 отни 1950 йилда 120 бошга, 118 та қорамолни 180 га, 350 қўй-эчкини 1.000 тага, 200 товуқни 400 тага етказиб, чорва маҳсулотини 30 процент кўпайтирамиз.

Колхозимиз ташкил бўлганида битта қора чойхонадан бўлак иморат йўқ эди. Колхозчиларнинг кўпи чайла қуриб ўлтирган боғбонлар эди. Ҳозир 124 хўжаликка янги уй-жой қуриб берилган. Янги бешйилликда планли қурилган ана шундай уй-жойлар 200 га етказилиб, ҳамма хўжалигимиз янги уйлар блан та'минланди. Ҳозир барча колхозчиларнинг уйларида электр лампочкалари ёнади ва радио карнайлар ўрнатилган. Электрлаштиришни янада кучайтирамиз. Колхоз учун 400 кишилик клуб, 10 йиллик мактаб, болалар боқчаси ва ясляси, ҳаммом, электр тегирмон қурамиз.

Умумлашган 7 гектар токзоримиз бор. Бу йил кузда экиш учун 4 ярим минг туп ток кўчати тайёрлаб қўйдик. 1950 йилда токзоримиз 15 гектарга етади. 2 гектарли мевазор 10 гектарга кўпаяди ва 2 гектар ер анорзор ва анжирзор қилинади.

СССР халқ хўжалигини тиклаш ва янада ривожлантириш тўртинчи бешйиллигида биз ана шу вазифаларни амалга оширишимиз керак. Бу планни тўла ва ошириб бажо келтириш учун ҳамма имконият бор. Колхозчиларимизнинг ғайрат ва матонати чексиз. Кўпгина колхозчиларимиз сабзавот экинларини парвариш қилишда кундалик нормани 2—3 ҳисса ортдириб бажармоқдалар. Коммунистлар ва комсомоллар сталинча бешйиллик планни тўла ва ортиқ блан бажариш учун бошланган Бутун Иттифоқ социалистик мусобақасига фаол иштирок қилиб, ҳаммага намуна бўлмоқдалар. Коммунист ўртоқ Назир Каюмов бошлиқ бригада ўтган йили ишлабчиқариш планини 117 процент бажарган эди. Бу бригаданинг а'золари ҳозир эртаги картошкаларини сер ҳосил қилиб етиштирдилар ва бошқа экинларини ҳам агротехника қоидалари асосида юқори сифатли қилиб парвариш қилмоқдалар. Бевосита дала ишларида қатнашаётган коммунистлардан Мурод Қоплонов (3-нчи бригадада), Эргаш Исаев (4-нчи бригадада), Тожи Зияева ўртоқлар ҳозир чопиқда кундалик нормани 2—3 ҳисса бажарадилар.

Сабзавотчиликни ривожлантириш юзасидан тузган бешйиллик планни ошириб бажаришда биз механизацияга катта умид қўйганмиз. Сабзавот ҳамиша жўяк усулида экилиб, уни парвариш қилишга жуда кўп меҳнат сарф қилинар эди. Биз сабзавот экинларини агрономия усулида экиб, механизациядан фойдаланмоқдамиз. Ҳозир сабзавот экинларини парвариш қилишда 60 процент ишимиз механикалаштирилган. Янги бешйилликнинг охиригача ишимизни 100 процент механикалаштириш усулига кўчирамиз. Бу — колхозчиларимизни оғир меҳнатдан халос қилади ва сабзавот мўл ҳосилини та'минлайди.

Сабзавотчиликни ривожлантириш юзасидан тўртинчи бешйиллик планимизни шараф блан бажариб, халқимизни арзон-сабзавот блан мўл-кўл та'мин этамиз.

Ёқуб ЗИЯЕВ.

Тошкент қишлоқ район, Ворошилов қишлоқ советидаги Каганович номли колхоз раиси.

Зикрилла ЛУТФУЛЛАЕВ.

Колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари.

Самарқандда имтиҳонларнинг бориши

Самарқанддаги олий ўқув юртларида ўқиш йили тамом бўлди. Ҳозир ёзги имтиҳонлар қизғин давом этмоқда.

Ўзбекистон давлат университетининг коллективи бу йил бутун кучини студентлар билимини оширишга қаратди. Имтиҳонлар ўтган йилгидан яхши ўтмоқда.

Тарих факультетининг 1-нчи курс студенти Содиқов марксизм-ленинизм асосларини, қадимги рус тили, юнон тарихи ва бошқа фанлардан а'ло баҳо олди. Филология факультетининг студентлари ҳам имтиҳонда а'ло ва яхши баҳо олдилар. 1-нчи курс студентларидан Икромова, Шамшиев ва бошқалар имтиҳонларни муддатидан илгари топширдилар. Сталин стипендиатлари Акбар Отахонов, Доурова ўртоқлар барча фанлардан а'ло баҳо олдилар.

Университетни бу йил 38 киши тамомлайди. Буларнинг ҳаммаси давлат имтиҳонидан ўтдилар. Университетни тамом қилучилардан Ҳасан Ғуломов, Сайид Эшонқулов, Ҳолида Айний, Полина Гень ҳамда Фёдор Рассказовлар имтиёзли диплом олишга муваффақ бўлдилар.

Медицина институтида ҳам давлат имтиҳонлари бўлмоқда. Бу институтда қишқи имтиҳон сессияси ҳам яхши натижалар блан якунланиб, у Иттифоқимизда олдинги институтлар қаторига ўтган эди. Институтнинг IV курс студентлари ҳамма фанлардан имтиҳонларни топшириб бўлдилар. Студентлардан Мансуров, Сочнева ва бошқа ўртоқлар айниқса муваффақият қозондилар. Бу йил институтни тамом қилаётган 46 киши давлат имтиҳонини тўла топшириб, врач номини олди. Булардан 26 таси Самарқанд областида ишлаш учун қолдирилди, бошқалари Хоразм, Қорақалпоғистон ва Сурхондар'ёга ишга юборилади.

Қишлоқ хўжалик институтида студентларнинг кўпчилиги ёзги имтиҳонларни топшириб бўлдилар. Ветеринария факультетидаги студентларнинг аксари имтиҳонда фақат а'ло баҳо олаётирлар. Семабеков, Кульбицкая ўртоқлар шулар жумласидандир. Агрономия факультетининг IV курс студентлари имтиҳонларнинг 82 процентини а'ло ва яхши баҳо блан топширдилар.

Олий мактабларда ўқув йилини тамомлаш блан бирга, янги ўқиш йилига тайёрлик ишлари ҳам бошланди.

Ғ. АШУРОВ.

(«Қизил Ўзбекистон» мухбири).

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН»НИНГ ЁРДАМИ БЛАН

„Оржоникидзе район мактабларида"

Газетамизнинг шу йил 24 май сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада, Тошкент область Оржоникидзе районидаги мактабларда та'лим-тарбия соҳасида кўп камчиликларнинг ҳануз давом этиб келаётганлиги ва мактабларда янги ўқув йилига тайёрлик бўш бораётганлиги ҳамда халқ маориф бўлимидаги мас'ул ходимларнинг мактабларга конкрет раҳбарлик қилмаётганликлари танқид қилинган эди.

ЎзК(б)П Тошкент область комитетининг мактаблар бўлими текшириш натижасида мақолада кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланиб, область халқ маориф бўлимининг буйруғи блан Оржоникидзе район маориф бўлим мудири Каримовга ма'мурий жазо берилганини, 32-нчи сон мактаб директорининг ишдан олинганлигини билдирди. Мақола район партия ва совет ташкилотларида муҳокама қилиниб, мактаб ишларини бундан кейин яхшилаш учун амалий чора ва тадбирлар кўрилмоқда.

Паст ғўзаларни алоҳида парвариш қилиб, ҳамма ғўзаларни серҳосил қилайлик

Берилган ва'да албатта бажарилиши керак

Май ойининг охирида мусобақадош Ўртачирчиқ районидан Бекобод районига ўзаро текшириш бригадаси келган эди. Улар ғўзаларнинг аҳволини текшириб жиддий камчиликларни аниқладилар. Бригада ҳарбир қишлоқ советида кенг йиғилишлар ўтказди. Камчиликларни тузатиш йўлларини кўрсатиб, маслаҳатлар берди. Шунда Бекобод районининг активлари, район раҳбар ходимлари бир оғиздан: «Ўртоқ комиссиялар хатоларимизни тузатамиз» деб ва'да берган эдилар.

Бу ва'да амалга ошмади. Бекобод районининг раҳбарлари ҳам, колхоз активлари ҳам мусобақадошларига берган ва'дани улар райондан чиқиб кетишлари бланоқ унутиб қўйдилар. Натижада районнинг кўп колхозларида ғўзани ягаталаш ва парвариш қилишга жиддий э'тибор берилмади. «Большевик», «Қизил юлдуз» ва Дзержинский номли колхозларнинг пахта майдонларидаги ғўза кўчати гектарига 20 минг тупга ҳам тўғри келмайди. Унинг чиққан ғўзаларинг парваришига ҳам яхши аҳамият берилмаган.

Шунинг учун ҳам Андижон областининг Марҳамат районидан келган ўзаро текшириш бригадасининг а'золари Киров номли колхозда 20 гектар, «Коминтерн» колхозида 5 гектар, Охунбобоев номли колхозда 6 гектар ердаги ғўзалар биринчи чопиқ қилинмаганини учратди. «Социализм» колхозида биринчи чопиқ 25 майда тамом бўлди деб ма'лумот берганлар. Ҳолбуки, комиссиялар борганда 175 гектар пахта майдонининг 32 гектарида биринчи чопиқ тамом бўлмагани аниқланди. кўпчилик колхозларда биринчи чопиқ фақат ўт ўлдиришдан иборат бўлгани устига, иккинчи чопиқ ҳам ҳаддан ташқари сифатсиз ўтказилмоқда.

Колхозларда ўт босишдан қўрқиб, ғўзаларни сувсиз чанқатиб қўйилмоқда. Қайси бир кўлхозга борсангиз кўплаб чанқаб ётган ғўзаларни кўрасиз. Ҳатто «Қаҳрамон» ва Киров номли колхозларда сувсизликдан ғўзаларнинг барглари қозжирай бошлаган. Бунинг устига суғориш сифати жуда ёмон. Ба'зи бир ерлар бостирилиб, ба'зи бир ерлар эса юза суғарилмоқда. Ғўзани суғоришдан кейин ўз вақтида культивация ва чопиқ қилинмайди. Натижада кўпчилик колхозларда суғорилган ер ишланмаганлиги учун қотиб қолган. Суғоришдан кейин ернинг намлигида культиватор юрган ерни камдан кам учратасиз. Чаноқ участкасидаги «Правда» колхозида ва бошқа бирнеча колхозларда сувдан кейин қотиб қолиб, қайта-қайта сув бериш натижасида ғўзалар жуда нимжон бўлиб қолган.

Райондаги МТСлар ғўза қатор ораларини ишлашда колхозларда ёмон хизмат қилаётирлар. Биринчи МТС директори Ўртоқ Аминов трактор ишлари ярим йиллик планини ошириб бажардик, деб ғўза қатор ораларида ишлаб турган 54 трактсрнинг 36 тасини қолдириб, қолганини МТСга чақириб олган. Лекин иккала МТС хизмат қиладиган колхозларда Орзиев культиватори блан ишлаётган бирор трактор кўринмайди. Ишлаб турган универсаллар ҳам кўпинча унумсиз ишлаётирлар. Автомашинага ўрнатилган кўчма устаҳоналар тўхтаб ётибди.

Районда ғўзага ўргумчак кана ва бошқа ҳашаротлар тушгани ма'лум. Ана шундай ҳашаротлар блан «Меҳнат» колхозида 20 гектар, Сталин номли колхозда 12 гектар, Қўштамғали қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхозда 15 гектар, «Инқилоб» колхозида 12 гектар ғўза зararланган. Бундай касаллик «2-нчи Бешйиллик», «Қизил юлдуз» колхозларида ҳам бор. Лекин районда ҳашаротларга қарши курашга мас'улиятсизлик блан қарайдилар. Ба'зи бир колхозларда ҳашаротларга қарши на аппарат ва на доривор бор. Ҳозиргача МТСларда зararли ҳашаротларга қарши курашучи агроном йўқ. Техника экинлари бўлмининг агрономи Ўртоқ Аҳмедов ҳам ҳеч қандай чора кўрмайди.

Райондаги колхозлар бу йил ўтган йилга қараганда жуда кўп ма'даний ўғит олганлар. Бу ўғит мавжуд ғўзаларни тез ривожланиши, сер ҳосилли бўлиши учун кўп ёрдам беради. Броқ, ана шу ўғитдан нотўғри фойдаланилмоқда. Кўп колхозларда ўғит берилгандан кейин орқасидан вақтида суғориб, чопилмаганидан, ўғитларнинг ким'ёвий қуввати бекорга ҳавога учиб кетмоқда «Қизил юлдуз» ва Охунбобоев номли колхозларда майдаланмасдан 400 грамм оғирликда думолоқлича эзатга ташланган ўғитларни кўрдик. «Қизил шахматчи» ва Навоий номли колхозларда ҳатто бир йўла бир гектарга 500 килограмм азот бериб, ғўзани қуритиб юбориш ҳоллари бўлди. Сеялка блан ўғитланган колхозларда ғўза мутлақо ёқмай қолган ерларга ҳам дори сепиб уни бекорга сарф қилаётирлар.

Умуман айтганда Бекобод райони ғўзани парвариш қилишда жуда ҳам орқада қолмоқда. Андижон областининг Марҳамат районидан келган ўзаро текшириш бригадаси районда ғўза қатор ораларини ишлашда йўл қўйилган хато ва камчиликларни очиб, учарни қандай қилиб тузатиш йўлларини ҳам кўрсатиб берди.

Ҳозир Бекобод район партия комитетининг секретари Мирзамуҳамедов, район ижроия комитетининг раиси Сайидхўжаев ўртоқлар колхоз активлари номидан Ўртачирчиқдан келган текшириш бригадасига айтган ва'дани такрорламоқдалар:

— Ўртоқ комиссияларнинг айтганй тўғри. Хатомизни тузатамиз.

Большевикларнинг сўзи блан иши бир бўлиши керак. Қани бекободлик ўртоқлар бу гал ўз ва'даларини қандай бажарар экаплар?

Абдулла РАҲИМОВ.

(«Қизил Ўзбекистон» мухбири).

АГРОНОМИЯ МАСЛАҲАТИ

Чеканка

Ғўзани академик Лисенко усулида чеканка қилиш пахта ҳосилини кўпайтиришда ва унинг сифатини яхшилашда агротехниканинг энг муҳим тадбирларидан биридир. Ғўзанинг ўсиш нуқтаси (иши) ва айрим ён шохлари чилпиб чеканка қилинганида, унинг ортиқча ғовлаб ўсиб кетишига йўл қўйилмайди. Ердаги озуқа моддалар ҳосил шохларига куч бериб, ундаги шона ва гулларни кўпроқ сақлаб қолишга, кўсакларнинг тез етилишига ва тўқ бўлишига сабаб бўлади.

Кейинги йилларда ғўзани чеканка қилиш орқасида яхши натижаларга эришган пахта усталари мўл ҳосил олишнинг асосий шартларидан бири бўлган бу муҳим тадбирни ўз вақтида ўтказишга алоҳида э'тибор бермоқдалар.

Июль ойи ғўзанинг бўйига ўсиб ва атрофга шохлаб ҳосил тўплайдиган ҳал қилучи даври. Чеканка қилишнинг қўлай пайти ҳам ана шу июль ойининг иккинчи ярми ва август ойининг биринчи ярми ҳисоблапади.

Ғўзанинг шохлари асосан икки хил бўлади: биринчиси ўсув шохлари (буни деҳқонлар «эркак шох» деб атайдилар). Иккинчиси ҳосил шохлари деб аталади. Ғўзанинг ёнидан ўсиб чиқадиган эркак шохлари ўз ҳолига қўйиб берилса, бир метргача ўсиб кетиши мумкин. Лекин бу шохлар бир-иккитадан ортиқ кўсак олмайди. Шунингдек айрим жойларда бўйига зўр бериб ғовлаб кетган ғўзаларнинг ҳосили ҳам жуда кам бўлади. Шунинг учун ғўзани парвариш қилишда унинг ўсиш нуқтаси ва ёнидан чиққан эркак шохларининг учини чимчиб ортиқча ўсиб кетишдан тўхтатиш—чеканка қилиш керак.

Бу йилги ҳаво шароити ғўзани ёш даврида тез авж олиб ўсишига анча тўсқинлик қилди. Кўпгина пахта майдонларида турли зararкунандалар — пахта бити, ўргумчак кана, кўк қурт, қорадирни каби ҳашаротлар пайдо бўлди. Бунинг устига ҳамма ерга ғўза бир хилда яхши парвариш қилинмади. Мана булар колхоз ва совхозлардаги ғўзаларнинг 2—3 хил бўлиб ўсишига сабаб бўлди. Чунончи: далаларга чиқиб қарасангиз, яхши авж олиб ҳосилга кирган. ёки ўртача ўсган ва ўсишда орқала қолаётган — паст-баланд ғўзаларни кўрасиз. Бу аҳвол шу кеча-кундузда айрим участкаларидаги, эгатлардаги ўсишдан кейинда қолган ғўзаларни алоҳида парвариш қилишни талаб этади. Шунингдек ғўзани чеканка қилиш ҳам ҳарбир ернинг ўз шароитига, айрим участкаларгина эмас, ҳатто ҳарбир туп ғўзанинг ўсишига қараб, агротехника қоидасига мувофиқ, юқори сифатли қилиб ўтказиш керак.

Ўртачирчиқ районидаги «Янги тўлқин» колхозининг Ражаб Қулмонов бошлиқ бригадаси чеканкага киришди. Суратда: бригада а'золари чеканка қилмоқдалар.
В. Перменев фотоси.

Биз ўтган йил ўз колхозимизда ғўзани чеканка қилиш ва унинг муддатлари юзасидан бирмунча тажрибалар қилиб кўрдик. Ўртоқ Тўхта Абдуллаев бошлиқ учинчи бригадада 20 июльдан 5 августгача бўлган муддатда, я'ни ҳарбир туп ғўзала ўртача 12—15 ҳосил шохлари пайдо бўлган даврда чеканка ўтказилди. Натижала бу бригада 25 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнер ҳосил олишга муваффақ бўлди. 7-нчи бригаданинг ўртоқ Мамат Қосимов бошлиқ звеносида чеканка ўтказилмаган эди. 3-нчи бригаданинг ғўзаси блан бир хилда бўлган бу звенонинг 13 гектар ердаги ғўзасидан ҳар гектардан 19,5 центнер ҳосил олинди.

Ўртоқ Нажим Ортиқов бошлиқ 7-нчи бригаданинг чеканка қилинган жойдаги ғўзасининг кўсаги блан чеканка қилинмаган ғўзанинг кўсагини солиштириб кўрдик. Натижада ма'лум бўлдики, чеканка ўтказилган жойдаги кўсакларнинг оғирлиги чеканка қилинмаган ғўзаларнинг кўсагига нисбатан 0,3—0,4 грамм оғирроқ бўлиб чиқди. Мана бу мисоллар пахта ҳосилини кўпайтиришда чеканканинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини равшан кўрсатиб беради. Бу рақамлар юзаки қараганда оз кўринса ҳам, ҳар гектар ердаги ғўза тупининг сонига қараб ҳисоблаганда гектаридан бирнеча центнер қўшимча ҳосил олинганлиги ма'лум.

Чеканка қилиш биргина американ пахтаси учун эмас. миср ва бошқа нав'ли пахталарнинг ҳосилини кўпайтиришда ҳам фойдалик. Шуни ҳам айтиш керакки, чеканка қилинган ғўзаларнинг кўсаги эрта пишиб етилади. Я'ни совуқ тушгунча ҳамма кўсаклар очилиб улгуради. Одатда бунлай эрта пишиб етилган пахта а'ло сортга ўтиб, тўқимачилик фабрикамизнинг талабига тўлиқ жавоб беради. Аксинча, чеканка қилинмаган ғўза кўсакларининг очилиши кечикиб, совуқ уриб кетишга, пахтанинг сифати бирмунча пасайишга сабаб бўлади. Демак, ғўзани чеканка қилиш, ҳосилни ортдириш блан бирга унинг яхши сифатли бўлишига ҳам катта ёрдам беради.

Ғўзани ҳамма ерда бир вақтда чеканка қилиш шарт эмас. Бунда ғўзанинг ўсишига қараш керак. Усишдан орқада қолган айрим участкаларда чеканка бир ҳафта-ўн кун кейинроқ ўтказилса ҳам бўлади. Аммо пахта далаларининг асосий қисмида 20 июльдан то 10 августгача, я'ни ғўзада 12-15 ҳосил шохи мавжуд бўлган пайтда чеканка ўтказиш энг қулай муддатдир.

Ўтган йили кўпгина колхозларда бу муҳим ишга жиддий э'тибор берилмаганлиги орқасида айрим бригадаларнинг ғўзасини фақат ўсиш куртакларини,я'ни тепасинигина чеканка қилиш блан кифоя ланганлар. Мана бундай жойларда чеканканинг фойдаси жуда кам бўлди. Шунинг учун колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, агрономия ходимлари, ҳосилот советлари, бригада ва звено бошлиқлари бу ишга алоҳида диққат қилиб, чеканканинг агротехника қоидасига тўла риоя қилган ҳолда юқори сифатли қилиб ўтказишлари керак. Ғўзанинг тепа шохларини чеканка қилиш блан бирга, унинг ёнидан чиққан, ҳосил бермайдиган эркак шохларини чилпишни ҳам унутмаслик керак.

Юзцентнерчи пахта усталарининг қимматли тажрибалари ва агрономия билими блан тўла тасдиқланиб, пахта ҳосилини оширишга катта ёрдам берадиган муҳим тадбир—чеканкани ўз вақтида юқори сифатли қилиб ўтказайлик. Бу—пахтачиликни юксалтириш Сталинча программасининг биринчи йили бўлган 1946 йилда мамлакатга 1 миллион 160 минг тонна пахта бериш тўғрисидаги улуғ бурчимизни тўла адо этишимизнинг муҳим шартларидан биридир.

Агроном С. ҚАЮМОВ.

Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг раиси.

Қашқадар'ёда боғдорчиликка э'тибор берилмаётир

Китоб райони ўзининг ширин узумлари, лаззатли анорлари ва хилма-хил мевалари блан машҳур. Айниқса бу райондаги Варганза қишлоғи қадимдан бедоналн шифобахш анорлари блан танилган. Кейинги йилларда Китобда анорзорлар яна кўпайди.

— Варганза анори,—дейди қишлоқ советининг раиси ўртоқ Назаров,—халқимизнинг энг севаднган меваларидан бири ҳисобланади. Варганза анори беморга дори-дармонлик ҳам қилади. Бизнинг кекса боғбонларимиз қаҳратон қиш кунларида ҳам Варганза анорини сақлаб ейди.

Районнинг бошқа қишлоқ советларида ҳам анор ва токзорчиликни ривожлантириш йўлида жиддий иш олиб борилмоқда. Ҳозир районда 450 гектар ток ва 103 гектар ерда боғ бор. Ўтган йил токдан юқори ҳосил олинган эди. Бу йил ҳам ҳарбир гектар ердан кам деганда 80-90 центнердан узум олиш мўлжалланмоқда.

Шаҳрисабз районининг ери, суви ва бошқа табиий шароити Китоб районидан ҳеч фарқ қилмайди. Китобнинг ери блан ери ёнма-ён бўлган Шаҳрисабз районида аҳвол бутунлай бошқача. Шаҳрисабз районида сўнгги йиллар давомида янги боғ барпо қилиш ва ток ўстириш эмас, борлари ҳам қаровсизлик натижасида йўқ бўлиб кетди. Хусусан шаҳар атрофидаги серҳосил токлар кузда кўмилмагани ва эрта баҳорда очилмаганлиги орқасида нобуд бўлиб, қуриб қолди. Илгари Шаҳрисабз шаҳар аҳолисини узум блан та'минлаб турган Кунчиқар қишлоқ советидаги «Қизил Октябрь», Куйбишев, Карл Маркс номли колхозларнинг токзорлари ҳозир йўқ бўлиб кетган. Районда ток ва боқчачиликка ана шундай э'тиборсизлик блан қаралганидан, сўнгги йиллар мобайнида 20,6 гектар ердаги токзор ва 13 гектар ердаги боғ бузилган. Уларнинг ўрни ташландиқ ётибди. Аҳвол шундай экан, райондаги партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари, район ер бўлимининг бошлиғи Аҳмедов ва ток ҳамда боғчачилик бўйича агроном Неуструев ўртоқлар боғдорчилик ҳақида нега асло ўйламайдилар?

Қаршининг узуми ширинлиги жиҳатидан тилни ёғар ва ярим килограммини бир киши зўрға еяр эди. Сўнгги йилларда Қарши районида ҳам кўпгина узумзорлар нобуд қилинди. 1940 йилдаги 355 гектар ток, 1946 йилга келиб 138 гектарга тушиб қолди. Шу каби Бешкент, Ғузор, Мироқи районларида ҳам токзорлар жуда камайиб қолди. Область бўйича 1940 йилда 2027 гектар ерда ток ва 1511 гектар ерда боғ бор эди. 1946 йилга келиб, токзорлар 1162 гектарга, боғлар эса 507,7 гектарга тушиб қолган. Бешйил ичида ўсиш ўрнига, токчилик қарийб 45 процент ва боқчачилик 70 процент камайиб кетган.

Шу йил баҳорда Қашқадар'ё областида 266 гектар ерга янги ток навдалари ва 235 гектар ерга мевали дарахт кўчатлари ўтказилган эди. Экилишга экилдию, аммо, ёш ниҳолларни парвариш қилиш эсдан чиқариб қўйилди. Кўпгина районларда талайгина ниҳоллар қаровсизликдан қуриб кетди.

Қашқадар'ё областида боғдорчиликни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Айниқса сувни кам талаб қиладиган токчиликни областнинг барча районларида ҳам кучайтириб юборса бўлади. Ҳамма гап Қашқадар'ё областидаги раҳбар ўртоқларнинг халқ хўжалигида муҳим ўрин тутадиган боғдорчиликни ривожлантиришга қизиқишларида қолган.

Л. ЭРГАШЕВ.

(«Қизил Ўзбекистон» мухбири).

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Октябрь райижрокомида меҳнат интизоми бузилаётир

Октябрь район ижроия комитетининг навбатдаги президиум мажлисларининг бирида район прокурори ўртоқ Иброҳимов райондаги айрим ташкилот ва корхоналарда меҳнат интизомининг бузилаётгани тўғрисида ахборот берди. Район молия, соғлиқни сақлаш бўлими ҳамда XVII партия конференцияси номли артельларда ишчи ва хизматчиларнинг ишга жуда кечикиб келишлари ва ишдан эрта кетиб қолишлари сингари характерли фактларни гапириб берди. Бу корхоналарда СССР Олий Совети Президиумининг меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги тарихий фармони қўпол равишда бузилаётгани кўрсатиб ўтилди.

Район ижроия комитетининг президиуми ўртоқ Иброҳимов доклади юзасидан тўрт моддадан иборат қарор ҳам қабул қилди. Соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Мирсоатов, XVII партия конференцияси номли артельнинг раиси Умаров ўртоқлар қаттиқ огоҳлантирилди. Қарорни муҳокама қилиш, рўйхат дафтарларини йўлга қўйиш ҳақида кўрсатмалар берилди.

Район ижроия комитети ва унинг раҳбарлари меҳнат интизомини мустаҳкамлашга аҳамият бермаётирлар деб айблмоқчи эмасмиз. Райижрокомнинг мажлисларида бу масала муҳокама қилиниб, текшириш натижалари эшитилиб турилади. Аммо, бу— район раҳбарлари (райижроком раиси ўртоқ Аҳмедов) корхоналарда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, Олий Совет Президиумининг фармонини тўла амалга ошириш учун астойдил курашаётирлар деган гап эмас.

Район ижроия комитети мажлисда ахборот эшитиб, қарор чиқаришнинг ўзи блан меҳнат интизомини мустаҳкамлаб бўлмайди. Ишчи ва хизматчилар ўртасида оммавий-сиёсий тарбия ишларини кенг кўламда олиб бориш, прогулнинг давлатга ҳамда ишчиларнинг ўзига етказган зararини атрофлича тушинтириб бериш талаб этилади. Ана шундагина меҳнат интизомини мустаҳкамлаш мумкин.

Аввало райижрокомнинг ўзида меҳнат интизоми мустаҳкам бўлиши, СССР Олий Совети Президиуми Фармонида белгиланган тартибларга тўла риоя қилиниши зарур.

Хўш, район ижроия комитети бу соҳада қандай намуна кўрсатаётир Афсуски, қарорда ёзилган нуқсонлар, меҳнат интизомини бузиш ҳоллари район ижроия комитети ва унинг бўлимларининг ўзида ҳам ҳукм сураётир.

Район ижроия комитетининг ишлар мудири ўртоқ Шоабдурасулованинг кўлидаги ишга келиш ва кетишини қайд қилиш дафтарининг нақадар тартибсиз ва э'тиборсизлик блан сақланганини айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Дафтарга бирор марта ҳам хизматчилар тўғри кўл қўйганини учратиб бўлмайди. Хизматчилардан Искандар Баҳромов, Раҳимов ва ҳатто местком раиси Клушниковнинг ўзи ҳам имзо қилмай келган.

— Нима қилай, айта бериб зерикдим, барибир кўл қўймайдилар. Шунинг учун ҳам рўйхат дафтарини йиғиштириб қўйдим — деб жавоб қилади Шоабдурасулова.

Дарҳақиқат ўртоқ Шоабдурасулова нима ҳам қилсин. У, бу тўғрида райижроком раиси Аҳмедов ва бошқа раҳбар ўртоқларга бирнеча марта айтган бўлса ҳам, меҳнат интизомини бузучи ва тартибга риоя қилмовчиларга ҳечқандай чора кўрилмаган.

Райондаги 80 та маҳаллада штатли ходимлар ишлайди. Белгиланган қоидага мувофиқ улар эрта соат 10 да район ижроия комитетида рўйхатдан ўтишлари керак. Маҳалла комитетларида ишловчи ходимлар ўртасида ҳам меҳнат интизомини бузиш, белгиланган қоидага риоя қилмаслик авж олган. Бунинг устига маҳаллада ишловчи ходимларни кўп вақт топиб бўлмайди. Пуштиҳаммом маҳалла комитетининг секретари Ғаббосовани қидириб юручилар, ҳатто уни ахтариб район ижрокомига келучилар ҳам учраб туради. Бундай аҳволни райондаги бошқа маҳалла комитетларида ҳам учратиш мумкин.

Район ижроия комитети маҳалла комитетларида ишловчи ходимлар ўртасида тартиб ўрнатиш мақсадида яқинда янги бир қарор чиқарди. Аммо, бу қарор ҳам тўла бажарилаётгани йўқ. 10 июнь куни 80 маҳалладаги ходимдан 12 киши район ижроия комитетига келиб рўйхат дафтаридан ўтмади. Булардан бирнечтаси 3—4 соатдан кечикиб келди.

Районда 200 дан ортиқ корхона ва ташкилот бор. Прогулчилик айниқса ҳунармандчилик кооперацияси артельларида кўпроқ учрайди. Биргина 1-нчи босмахонада 6 ой мобайнида 20 га яқин киши ишга кечикиб келгани аниқланган.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлашга бунчалик юзаки қараш, бу масала блан тасодифий ҳоллардагина шуғулланишга барҳам берилсин. Райижроком раҳбарлари биринчи навбатда район ташкилотларида меҳнат интизомининг бузилишига йўл қўймасликлари, шу блан бирга ҳарбир корхона, муассасада СССР Олий Совети Президиумининг тарихий Фармонига тўла риоя қилинишига эришмоқлари лозим.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

РЕСПУБЛИКА ЕНГИЛ ОТЛЁТИКА МУСОБАҚАСИДА

Ўзбекистонда янги рекордлар

Тошкент «Динамо» стадионида 6 июльда енгил отлётика юзасидан якка ва команда биринчилиги учун республика мусобақалари бошланди. Мусобақада республика, область ва шаҳарларидан келган 150 дан ортиқ энг яхши спортчи қатнашмоқда.

Енгил отлётика мусобақалари қизғин ўтмоқда. Дастлабки икки кунда республикада янги рекордлар қўйилди. Машҳур физкультурачи тошкентли Ҳасанова 800 метрга 2 минут 21,6 секундда етиб келиб, илгариги рекордини орқада қолдирди. Динамочи Н. Севрюкова (Тошкент) ядрони 11 метр 40 сантиметрга иргитиш блан илгариги рекордини 15 сантиметр орқада қолдирди ва Ўзбекистонда янги рекорд қўйди. Шунингдек фарғонали Орлов ёшлар группасида ядрони 10 метр 63 сантиметрга иргитиб, Скацкая дискани 37 метр 30 сантиметрга улоқтириб рекорд қўйдилар. Хотин-қизларнинг шведча кичик эстафетасида масофа 2 минут 30,4 секундда босиб ўтилди. Ян Паулис 10 километрга 55 минут 39,7 секундда юриб келди. Булар ҳаммаси республикада янги рекорд деб ҳисобланди.

Биринчи кунги натижаларга қараганда, Тошкент спортчилари олдинда бормоқдалар.

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ЮРИСТ КАДРЛАРИ

Тошкент республика юридик мактабини 140 киши тамомлаб чиқди. Уларнинг кўпчилиги прокуратура ва суд органларида ишлаш учун юборилди.

Мактабни тамомлаганларнинг ярмидан кўпи фанлардан а'ло баҳолар блан имтиҳон бердилар.

САМАРҚАНДДА САНОАТ МОЛЛАРИ МАГАЗИНИ

Самарқанд шаҳрининг Ленин кўчасида саноат моллари сотадиган янги магазин очилди. Магазинда газмол, шойи, хўжалик моллари ва бошқа моллар сотилмоқда.

ХАШАК ТАЙЁРЛАШГА Э'ТИБОР БЕРИЛМАЁТИР

(«Қизил Ўзбекистон»нинг Бухоро область мухбиридан)

Бухоро областида чорва моллари учун ем-хашак тайёрлашда ўтган йил йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликлар бу йил ҳам такрорланмоқда. ЎзССР Министрлар Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ, бу йил 83 минг гектар ердаги дағал хашак ўриб олиниб, 166 минг тонна ёнтоқ, пичан ва бошқа ўт тайёрланиши керак бўлса, ҳали бунинг тўртдан бир қисми ҳам тайёрланган эмас. Ҳозиргача тайёрланиши лозим бўлган 40 минг тонна бедадан энди 10 минг тоннаси тайёрланди.

Чорва моллари учун ем-хашак тайёрлаш айниқса Шофрикон районида суст бораётир, бу район 1.100 тонна дағал хашак, 8 минг тонна беда тайёрлаши керак. Шундан энди 13 минг тонна ёнтоқ ва пичан, 2 минг тонна беда тайёрланди. Хашак тайёрлашга киришмаган, бедани бир марта ҳам ўриб олмаган Тельман, Каганович номли колхозлар сингари колхозлар бу районда кўпчиликни ташкил қилади.

Бунинг сабаби шуки, район партия комитетининг секретари Ниёзматов, район ижроия комитетининг раиси Сатторов ўртоқлар ғўза парваришини баҳона қилиб, ем-хашак тайёрлаш учун махсус одамлар ажратишни истамаётирлар. Ҳатто улар партия ва ҳукуматнинг ем-хашак тайёрлаш тўғрисида чиқарган қарорини район партия комитетининг бюро мажлисида, ёки район ижроия комитетининг президиумида муҳокама ҳам қилмаганлар.

Областнинг асосий чорва райони ҳисобланган Конимех районида ҳозиргача ўриб олиниши лозим бўлган 20 минг гектар ердаги ёнтоқ ва пичандан ҳали 5 минг гектари ҳам ўрилгани йўқ. Чунки хашак учун етарли куч ажратилмаган. Ажратилган 300 одам кунда тайёрланиши керак бўлган дағал хашакнинг 40 процентини ҳам ўриб олмаётир. 10—12 минг чорва молларига эга бўлган Шодибек қишлоқ советидаги «Социализм» ва Молотов номли колхозлар пичан ўриш графигининг ўндан бир қисмини ҳам бажармайдилар. Даладаги пичанлар эса қовжираб қолмоқда.

Томди районидаги Юсупов номли колхоз 25 мингдан кўпроқ чорва молларига эга. Колхоз правленияси бу моллар учун қишки ем-хашак тайёрлашга э'тибор бермоқда. Ёз мавсумида тайёрлаши лозим бўлган 3 минг тонна дағал хашакнинг ҳозирданоқ 80 процентини тайёрлаб қўйди. Аммо, бошқа колхозларда бу иш яхши уюштирилмаган. Районда бу йил 22 минг тонна хашак тайёрланиши керак бўлса, шундан энди минг тоннаси тайёрланди. Райондаги 13 чорвачилик колхозидан фақат 6 таси хашак ўришга киришди.

Вобкент, Рометон, Бухоро ва Қизилтепа районларида ҳам хашак тайёрлаш яхши эмас. Бедани ҳозиргача уч марта ўриб олиш мумкин бўлгани ҳолда, бу районларда иккинчи ўрим ҳам тамом бўлгани йўқ. Ҳатто бедани бир марта ҳам ўриб олмаган колхозлар бор. Масалан, Бухоро район Қаволамаҳмуд қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг 55 гектар бедасидан 26 гектари ҳали бир марта ҳам ўрилмасдан қавжираб ётибди. Бу колхоз Зарафшон дар'ёси бўйидан ўриб олиши керак бўлган 1000 тонна пичандан ҳали бир килограмм ҳам тайёрламаган. Бундай аҳвол район раҳбарларининг хашак тайёрлашни иккинчи даражадаги иш деб навбатга қўйганликлари орқасида келиб чиқаётир

Областда хашак тайёрлашни қизитиб юбориш ва планни ошириб бажариш учун ҳамма имконият бор. Броқ бу имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир. Пичан ўрадиган 58 машинадан энди 20 таси ремонтдан чиқди. Пичан ўришда эса, фақат 5 таси ишлатилаётир. Бундан 2 ой илгари олинган 45 та ўт ўриш машинаси ҳали ҳам Сельхозхимснаб омборида ётибди. Мавжуд 800 та чалғи ўроқдан ўт ўришда фойдаланилаётгани 100 тага ҳам етмайди. Бу ҳол механизациядан тўла фойдаланилмай турибди, хашак тайёрлашни тезлатиб бўлмаслигини областда ҳеч ким тушинмаётганини кўрсатади.

Чорва моллари учун қишлик ем-хашак тайёрлашдек муҳим ишга область партия, совет ташкилотлари ҳам яхши э'тибор бермаётирлар. Область партия ташкилоти ЎзК(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг бу ҳақдаги кўрсатмаларини амалга ошириш юзасидан тегишли қарор чиқарган бўлса ҳам унинг ижросини район партия ва совет ташкилотларидан талаб қилмаётир.

М. БОБОШ.

„Тўртлар конференцияси“ тевараги да

ПАРИЖ, 5 июль (ТАСС махсус мухбиридан). Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши кун тартибидаги масалаларнинг ҳаммасини ҳали муҳокама қилиб бўлгани йўқ. Аммо сулҳ шартномаларининг лойиҳаларига тааллуқли бўлиб, энг катта қийинчилик туғдирган асосий масалалар ҳал этилди, сулҳ конференциясини чақириш муддати белгиланди. Бу, Люксембург саройида қилинган ишларнинг ба'зи якунларини тўплаш имконини беради.

Совет делегацияси Париж музокараларининг бутун босқичларида Тўрт давлат министри сулҳ шартномаларига доир асосий масалаларнинг ҳаммаси тўғрисида даставвал ўзаро келишиб қарор тайёрлаши керак ва шундан кейнгина сулҳ конференцияси чақириш мумкин, деган позицияда турди. Ташқи Ишлар Министрлари кенгашини ташкил этган уч давлат раҳбарларининг Берлин конференцияси мазкур Кенгашнинг вазифаларини шу тарзда белгилаган эди. Берлин конференциясининг қарорларида қуйидагилар айтилган эди:

«Италия, Румония, Булгария, Венгрия ва Финляндия блан сулҳ шартномаларини тузиб бу шартномаларни Бирлашган миллатлар қарамоғига тақдим этиш—кенгаш зиммасига энг зарур ва муҳим вазифа қилиб юкланади».

Бу вазифа кейинчалик Ташқи Ишлар Министрлари Москва кенгашининг қарорларида ҳам та'кидланди.

Сулҳ шартномаларининг лойиҳаларини ўзаро келишиб тузиш йўлида катта қийинчиликлар бўлганлиги ма'лум. Тўрт министр конференцияси қатнашчиларининг ба'зилари Министрлар Совети Кенгаши сулҳ шартномаларини тайёрлаш соҳасидаги асосий ишни тамомламай туриб, Сулҳ конференциясини чақириш деган таклифи илгари сурдилар. Инглиз-саксон мамлакатларидаги э'тиборли доиралар шу таклифни зўр бериб қувватладилар. Бу таклиф чиқарилдиган қарорларнинг аҳамиятига ва конференциянинг обрўсига ёмон та'сир қилиши мумкин эди. Жаҳон матбуотининг ма'лум бир қисми Париждаги музокаралар муқаррар натижа бермайди деб та'на қилиб, Берлин конференциясининг қарорларини бажаришдан воз кечиш, халқаро масалаларни иттифоқчи давлатларнинг биргалашиб ҳал этишидан иборат идеяни тамомила барбод эган бўлур эди. Европадаги халқаро муносабатларни тинч йўл блан тез ҳал этиш зарур деб фараз блан айтилган гаплар шундай талаблар учун баҳона бўлди.

Совет делегацияси Сулҳ шартномаларининг лойиҳаларини даставвал ўзаро келишиб тайёрламай туриб, Сулҳ конференцияси чақирилса, бу ҳол урушдан кейинги масалаларни ижодий тарзда ҳал этишга зарар етказган бўлур эди, халос деб такрор марта та'кидлади. Энг муҳим масалаларни ҳал этиш юзасидан Сулҳ конференциясига турли лойиҳаларнинг тақдим этилиши Конференцияда ажралиш юз беришига сабаб бўлар, янги қийинчликни вужудга келтирар ва халқаро миқ'ёсдаги муносабатларнинг мушкуллашуви учун янги бир манба' яратган бўлар эди.

Совет делегацияси фикрининг тўғрилиги эндиликда амалда тўла исбот бўлди. Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши Сулҳ шартномаларини тайёрлаш соҳасидаги ишларни асосан тамомлаб бу шартномалар блан боғлиқ бўлган энг муҳим масалалар ҳал этилганидан кейин Сулҳ конференциясини чақириш муддатини белгилади.

Ана шу масалалар қаторида даставвал Италия-Югославия чегараси ва Триест масаласини. Италиянинг илгариги мустамлакаларининг тақдири ҳақидаги масалани ва Италиядан олинадиган репарациялар ҳақидаги масалани кўрсатиб ўтиш керак. Бундан Тўрт Министр Конференцияси қараб чиққан бошқа масалалар катта аҳамиятга эга эмас экан деган ма'но келиб чиқмайди. Аксинча, Министрлар Кенгаши Италиядаги оккупация қўшинларини, шунингдек Булгориядаги оккупация қўшинларини Сулҳ шартномаси кучга кирган пайтдан бошлаб 90 кун ичида олиб чиқиб кетиш тўғрисида тузган битимларнинг чегара масалалари тўғрисида чиқарилган бирқанча муҳим қарорларнинг ва Италия блан тузиладиган Сулҳ шартномасидаги иқтисодий масалалар ҳақидаги бирқанча қарорларнинг муҳим қарорлар эканлигида шубҳа йўқ. Бошқа мамлакат делегацияларининг таклифи Италияни иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволда қолдирар эди. Италия блан тузиладиган Сулҳ шартномасига доир иқтисодий масала юзасидан совет делегациясининг ташаббуси блан чиқарилган қарорлар Италиянинг иқтисодий аҳволини кўп жиҳатдан енгиллаштиради. Аммо бу масалалар жиддий аҳамиятга эга бўлишига қарамай юқорида айтиб ўтилган уч масалани ҳал этишда жуда катта қийинчиликлар юз берди. Париж кенгашининг давомида шу уч масалада жиддий хилофлар бўлди. Халқаро реакция қаторида бўлиб, давлатларнинг самарали ҳамкорлик қилишига душман бўлган кишилар ҳудди шу масалаларда Париж музокаралари натижасиз тамом бўлади деб умид боғлаган эдилар.

Люксембург саройида қабул қилинган қарорлар турли нуқтаий назарларни келиштириш натижаси бўлди, дастлабки пайтда делегацияларнинг нуқтаий назарлари ўртасида жуда катта ихтилофлар бор эди.

Италия-Югославия чегараси ва Триест тўғрисидаги масалалар совет делегацияси жанжалли территорияни, я'ни Юлия ўлкасининг ғарбий қисмини Адриатик денгизи бўйида муҳим бўлган Триест порти блан бирга иттифоқчи Югославияга топшириш ва бу блан қаҳрамон югослав халқининг қонуний миллий орзу ва тилакларини кондириш ғоят адолатли бир иш бўлур эди деб кўп марта та'кидлагандиги ма'лум. Аммо қолган уч делегация масалани шу тарзда ҳал этишга кескин суратда э'тироз билдириши, Триестни ва жанжалли территорияни Италияга топширишни талаб қилди. Люксембург саройида Триестни халқаро назорат остида олиш тўғрисида келишиб қарор қабул қилиниши бу масалани ҳал этишга имкон берди. Бу қарор илгари Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Франция таклиф қилган қарорга нисбатан шубҳасиз, олға қараб бир силжиш бўлди.

Эндиликда бутун масала, эркин Триест территориясининг низомига ва бу низомнинг бундан буён Бирлашган миллатлар ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши контроли остида амалга оширилишига боғлиқдир. Бу низом тўрт давлат вакилларидан тузиладиган махсус комиссия томонидан тайёрланади. Тўрт давлат вакиллари бу тўғрида Югославия ва Италия вакиллари блан маслаҳатлашадилар. Шундан кейин низом Сулҳ конференциясининг муҳокамасига қўйилади. Сулҳ конференцияси Москва кенгашининг қарорига мувофиқ бу низомни Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашига тақдим этади. Низом Бирлашган миллатлар ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши томонидан тасдиқланиши керак. Вазифа—низомни тузиш вақтида эркин Триест территорияси аҳолисининг демократик ҳуқуқларини та'миналаш, шу областьдаги югослав ва итальян аҳолисининг тинч вазиятда бирга яшаши учун бутун шароитни вужудга келтириш ва Югославияни ва иқтисодий жиҳатдан шу муҳим портга боғлиқ бўлган Дунай бўйидаги бошқа мамлакатларнинг денгизга чиқиши учун бир йўл сифатида Триестдан фойдаланиш мақсадида бутун шароитни вужудга келтиришдан иборат. Шундай йўл блангина Триестни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан юксалтириш учун зарур шароитни вужудга келтириш мумкин. Шу блан бирга эркин Триест территорияси Италия блан Югославияни бир-биридан ажратучи ғов бўлмайди, балки аксинча, бу икки мамлакатни бирга қўшучи ва булар ўртасида тинч шароитда қўшничилик муносабатларининг қучайишига ёрдам беручи бир жой бўлиб қолади.

Италия мустамлакаларининг тақдири тўғрисидаги масалага келганда бу тўғрида келишиб чиқарилган қарор мазкур мустамлакаларнинг тақдири ҳақидаги масалани узил-кесил ҳал этишни бир йилга кечиктиришни кўзда тутади. Тўрт давлат бир йил мобайнида мустамлакалардаги аҳолининг манфаатларини, шунингдек умумий тинчлик манфаатларини кўзда тутиб, бу масалани мақсадга мувофиқ ва энг мақбул суратда ҳал этиши лозим.

Италиядан олинадиган репарациялар масаласи муҳокама қилинган вақтда Америка ва Англия делегациялари келиша олмадилар. Бу ҳол ҳеч қандай зарурат йўқлигига қарамай, мазкур масалани кечикиб ҳал этишга, шунингдек умуман Италия блан тузиладиган Сулҳ шартномаси лойиҳаси тўғрисида кечикиб бир қарорга келишга шубҳасиз, сабаб бўлди. Бу делегациялар Совет Иттифоқи фойдасига Италиядан олинадиган репарацияларнинг умумий миқдорини 100 миллион доллар қилиб белгилашга қарши чиқдилар; улар айниқса репарация ҳақларидан ма'лум бир қисмининг Италия саноати ишлаб чиқарган маҳсулотдан тоқ-ириш йўли блан тўланишига қаршилик қилдилар. Саноат маҳсулоти етказиб бериш иложи йўқлигини исбот қилиш учун ҳар қандай бўлмағур далиллар ўйлаб чиқарилди. Иккинчи томондан иттифоқчилар ўртасида илгари тузилган битимларга тамомила хилоф бўлган моддаларни репарация сўммасига қўшмоқчи бўлиб уриниб кўрдилар; масалан, Италия фронтидаги ғарбий кемаларнинг бир қисмини ёки Германиядаги совет оккупация доираси территориясида ва хатто СССР территориясида бўлган итальян маблағлари ва мол-мулкларини Совет Иттифоқига тўланадиган репарациялар ҳисобига қўшишга ҳаракат қилдилар.

Узоқ давом этган музокараларда совет делегацияси изчиллик блан ҳимоя қилди. Бу музокаралар натижасида ҳамма асосий масалаларда совет делегацияси таклифларига негизланган битим тузилди. Италиядан Совет Иттифоқи фойдасига олинадиган репарациялар миқдори 100 миллион доллар қилиб белгиланди. Саноат маҳсулотини етказиб бериш—Италиянинг репарация юзасидан ўз устига олган мажбуриятларини бажаришдаги асосий манба'лардан бири деб топилди. Қабул қилинган қарорда ғарбий кемалар тўғрисида Германиядаги совет оккупация доирасидаги ва СССР даги итальян мол-мулклари ҳамда маблағлари тўғрисида бир оғиз ҳам гап йўқ. Шундай қилиб, Париж музокараларидаги ана шу асосий ғов ҳам бартараф қилинди. Тажриба, Италиядан олинадиган репарациялар масаласини Совет Иттифоқининг манфаатларини ҳисобга олиб, мақбул суратда ҳал этиш мумкин эканлигини кўрсатди.

Германиянинг илгариги иттифоқчилари бўлмиш мамлакатлар блан тузиладиган сулҳ шартномаларини тайёрлашдаги асосий масалалар тўғрисида Париж музокараларида эришилган якунлар шулардан иборат. Умумий фикрга қараганда ҳал этилмай қолган ва жумладан Болқон мамлакатлари блан тузиладиган шартномаларга боғлиқ бўлган масалалар катта қийинчилик туғдирмаслиги керак.

Жаҳон матбуотининг давлатлар ўртасига нифоқ солиш блан машғул бўлган тескаричи қисми Парижда қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳозиргаҳоқ шубҳа туғдиришга уринмоқда. Масалан, бу ерда чиқадиган «Эпок» газетаси Италия-Югославия чегараси ва Триест масаласи тўғрисида қабул қилинган қарорлар ҳақида хабар босиб, шундай бўлмағур масалаларни ўртага қўйди: «Манфаатдор мамлакатлар бу қарорга қандай қарар экан? Бу қарор мақбул бўларми экан? Бу қарор кўп мушкуллик туғдирмасми экан?».

«Комба» газетаси ўз фикрини янада очиқроқ изҳор қилмоқда. Бу газета ўз тилагини ҳақиқий бир ҳол деб кўрсатиб келишиб чиқарилган ҳар қандай қарор фақат «оғзаки», битим тузиш йўлидаги ҳар қандай уриниш ёса натижасиздир, деб да'во қилади. Газета фол очиб бундай дейди:

«Тўрт давлат ўртасида келишилмовчилик туғдириши ихтимол бўлган хавфлар Сулҳ конференциясида ҳам ўз-ўзича давом этади. Инглиз-саксон мамлакатлари блан Совет Иттифоқи ўртасидаги низо' пуч бўлган формаларни чиппакка чиқаради».

«Комба» газетаси СССР блан инглиз-саксон мамлакатлари ўртасидаги «низо'»га умид боғлаганлигини яширмаётганлигини кўриб турибмиз. Барча мамлакатларда янги уруш чиқариш йўлида ҳаракат қилаётган мас'улиятсиз авантюристларнинг ҳали ҳам шу низо' тўғрисида ҳаёл сураётганликлари ма'лум.

Тинчлик дўстлари эса, Париждаги музокараларда эришилган натижаларни қониқиш блан ма'қулламоқдалар. Улар музокараларнинг натижалари муайян шароитда давлатларнинг бир-бирлари блан ҳамкорлик қилиши учун йўл топиш тамомила мумкин эканлигини исбот қилучи янги бир далил деб биладилар. Бу йўл ҳар қанча қийин бўлса ҳам фақат унинг ўзигина халқлар ўртасида узоқ давом этадиган мустаҳкам тинчлик бўлишини та'мин эта олади.

Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашининг бугунги мажлисида Сулҳ конференциясини чақириш ва унинг ишларига бевосита боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинди. Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия Ташқи Ишлар Министрларининг 1945 йил декабрь ойида бўлиб ўтган Москва кенгашининг қарорига мувофиқ, Сулҳ конференциясида 21 давлат, я'ни Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия Ташқи Ишлар Министрларининг 1945 йил декабрь ойида бўлиб ўтган Москва кенгашининг қарорига мувофиқ, Сулҳ конференциясида 21 давлат, я'ни Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия, Франция, Хитой, Австралия, Бельгия, Белоруссия ССР, Бразилия, Голландия, Греция, Ҳиндистон, Канада, Янги Зеландия, Норвегия, Польша, Украина ССР, Чехословакия, Ҳабашистон, Югославия ва Жанубий Африка Иттифоқи қатнашади. Сулҳ конференциясида қатнашучи давлатларга таклифномалар ва конференциянинг иш тартибини белгиловчи қоида юборилиши лозим.

Конференция Парижда чақирилажаги сабабли конференция қатнашчиларига таклифномаларни ҳозир Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши номидан ҳаракат қилаётган Франция ҳукумати юборади. Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши таклифномаларнинг текстини тасдиқлаши лозим, деб қарор чиқарилди. Сулҳ конференциясига тавсия этиладиган низом қоидаларини тузиш вазифаси ҳам Министрлар Кенгаши зиммасига юкланади.

Бугунги мажлиснинг одатда Министрлар ўринбосарлари кенгашида тайёрланган ва Министрлар Кенгаши қабул қилган кун тартибида конференцияга таклифномалар юбориш ва Сулҳ конференциясида масалаларни кўриш қоидалари муҳокама қилинди. Таклифномаларнинг тексти тўғрисида қизиб кетган мунозара вақтида Америка делегацияси таклифноманинг тексти конференциянинг кун тартибидаги масалаларни кўриш қоидасидан алоҳида тасдиқлансин, деган таклифни киргизди. Шу блан бирга, Америка делегацияси конференция учун умуман ҳеч қандай иш қоидасини белгилаш керак эмас, деди. Бу таклиф Москва кенгашининг қарорига тамомила хилофдир. Совет делегацияси тасдиқланган кун тартибига риоя қилинсин, таклифнома ва конференциянинг иш тартиби тўғрисидаги қоида бир-бири блан маҳкам боғлиқ бўлганлиги учун бирга муҳокама қилинсин, деб таклиф этди. Шу блан бирга, Конференцияни чақириш куни бутун дун'ёга ма'лум бўлганлиги сабабли конференциянинг иш тартиби тўғрисидаги қоидалар айниқса муҳим эканлигини равшанлигини айтилди. Ташқи Ишлар Министрларининг ўринбосарлари шу йилнинг март ойидан бошлаб бирнеча ой давомида бу хужжатнинг лойиҳасини тайёрлаш блан машғул бўлса ҳам шу вақтгача қат'ий бир лойиҳа тузилгани йўқ.

Америка вакилининг нутқидан, конференциянинг иш тартиби тўғрисидаги қоидани жуда ҳам аниқ ва равшан бўлмаган йўлйўриқлар блан чекланишга интилиш борлиги ма'лум бўлди. Бу ҳол Ташқи Ишлар Министрлари Москва Кенгашининг чиқарган қарорларига хилоф бўлиб, беҳуда ва ўринсиз баҳсларга кенг йўл очиб беради ва Сулҳ конференциясида бажарилиши лозим бўлган ишга зарар етказади, халос. Бундай таклифларнинг Тўрт Министр Конференциясида мақулланиши мумкин эмаслиги табиий бир ҳол.

Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши бугунги муҳокама натижасида ўринбосарлар кенгашига эртаги кунгача ҳар икки ҳужжатни, я'ни сулҳ конференциясига таклифнома текстини ва конференциянинг иш тартиби тўғрисидаги қоидани тайёрлаш ҳамда Министрлар Кенгашининг муҳокамасига тақдим этишни топширди. Эртага Германия масаласи ҳам муҳокама қилина бошлаши керак. Совет делегацияси Ташқи Ишлар Министрлар Кенгашида Германия масаласини муҳокама қилишни яна чўзиб бўлмаслигини ҳозирданоқ ҳал этишни таклиф қилди. Аммо Англия ва Америка делегациялари ҳали яқиндагина бу масалани тезроқ ҳал этишга интилган бўлсалар ҳам энди бошқа йўл тутдилар.

ПАРИЖ, 6 июль (ТАСС махсус мухбири). Кеча Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши министрлар ўринбосарларининг кенгашига Сулҳ конференцияси органлари тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш ва Сулҳ конференциясининг иш тартиби ҳақидаги лойиҳани ва таклифнома текстини ўзаро келишиб олишни топширган эди. Тўрт Министр Конференциясининг бугунги мажлиси бошланган чоқда одатдагидек министр ўринбосарлари кенгашининг иши тўғрисида ахборот берилди. Ахборотдан ма'лум бўлишича, Сулҳ конференциясининг иш тартиби ҳақидаги қоидаларнинг икки лойиҳаси, я'ни француз делегацияси лойиҳаси ва бу лойиҳадан анча фарқ қиладиган совет делегацияси лойиҳаси муҳокама қилинган. Қўшма Штатлар ва Англия вакиллари ҳам француз делегациясининг лойиҳасини қувватлаганлар.

Принципиал тусдаги энг муҳим ихтилофлар қуйидагилардан иборат: совет делегациясининг таклифида сулҳ шартномаларининг лойиҳаларини тузиш учун 5 комиссия ва бошқа ба'зи комиссияларни тузиш, шунингдек айрим комиссияларнинг ишларини мувофиқлаштиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйдиган Бош комиссияни тузишни кўзда тутади. Совет делегациясининг лойиҳасига мувофиқ, Бош комиссия Сулҳ конференциясида қатнашучи делегация бошлиқларининг ўринбосарларидан иборат бўлиши керак. Бош комиссия конференция пленумига нисбатан иккинчи даражали роль ўйнайди. Бу, Ташқи Ишлар Министрлари Москва кенгашининг қарорларига мувофиқдир, Ма'лумки, Москва кенгашининг қарорларида сулҳ шартномаларининг лойиҳалари юзасидан тавсиямолар тақдим этиш соҳасидаги ҳамма иш бошқа бирон комиссияга эмас, балки Сулҳ конференциясининг ўз зиммасига юкланган эди.

Американлилар ва инглизлар томонидан қувватланган француз лойиҳасида бош комиссиянинг роли тамомила бошқача қилиб кўрсатилади. Бу лойиҳада бош комиссияни барча делегацияларнинг бошлиқларидан иборат составда тузиш таклиф этилади, шу блан бирга бу комиссия Сулҳ конференциясидан юқори турган ва унинг ўрнини босадиган бир органга айлантирилади. Француз лойиҳасига мувофиқ, бош комиссия энг муҳим қарорларнинг ҳаммасини олдиндан қабул қилиб қўйиши керак. Бунинг натижасида Сулҳ конференцияси бош комиссиянинг қарорларини ма'қуллаш блангина шуғулланучи бир муассасага айланган бўлур эди. Агар бош комиссия мажлисларининг одатда ёпиқ ўтишини ва Сулҳ конференцияси ялпи мажлисларининг очиқ ўтишини бунга илова қилсак, мазкур лойиҳанинг моҳияти тамомила равшан бўлиб қолади. Бу лойиҳа урушда қатнашган давлат вакилларининг кенг ҳуқуқларини жаҳон афкор оммасининг контролидан ташқари ишловчи ёпиқ комиссия блан чеклаб қўяди. Бу ҳол Сулҳ конференциясидан ташқарида ҳарқандай йўл блан тил бириктириш ва раҳбар доираларнинг ҳархил найранглар ишлатишига кенг йўл очиб беради. Министрлар Кенгашининг бугунги мажлисида ма'лум бўлишига қараганда, Министрлар ўринбосарларининг эрталабки кенгашида бу лойиҳани ҳимоя қилиш учун очиқдан-очиқ шундай бир далил келтирилган: бош комиссия ҳамма масалаларни ҳал этар эмиш, Сулҳ конференцияси эса, формага риоя қилиб, комиссия қарорларини тасдиқлаш блангина шуғулланар эмиш.

Сулҳ конференциясининг иш тартиби ҳақидаги лойиҳаларда бошқа ихтилофлар ҳам бор. Аммо, бугунги мажлисда Сулҳ конференциясининг роли тўғрисидаги асосий масала муҳокама қилинди. Бу масала бош комиссиянинг характери ва вазифалари тўғрисидаги масалага боғлиқдир.

Совет делегацияси Ташқи Ишлар Министрлари Москва кенгашининг чиқарган қарорларини ҳимоя қилиб, Сулҳ конференциясини бош комиссиянинг қарорларини ўз-ўзича тасдиқловчи бир муассасага айлантиришни кўзда тутган уринишларга қарши чиқди. Совет делегацияси бундай уринишлар Ташқи Ишлар Министрлари Москва кенгашининг чиқарган қарорларига асло мувофиқ эмас, деб кўрсатди. Сулҳ конференциясининг ишларида шундай тартибнинг белгиланиши унинг обрўсига катта зарар етказган бўлур эди ва унинг аҳамиятига путур етказган бўлур эди. Ҳолбуки, Сулҳ конференциясига тайёргарлик кўриш ва уни чақириш ўз олдига вазифа қилиб қўйган Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши бу конференция учун тўла жавобгардир. Сулҳ конференциясининг обрўси хавф остида қолар экан, Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши бунга э'тибор сиз қарай олмайди. Бирор комиссиянинг ва ҳатто бош комиссия деб аталган комиссиянинг 21 давлат иштироки блан бўладиган Сулҳ конференциясининг ўрнини босишига йўл қўйиб бўлмайди. Сулҳ конференциясининг ўзи Москва кенгашининг чиқарган қарорларига мувофиқ, асосий ва ҳал қилучи ролни ўйнаши керак. Сулҳ конференциясини жамоатчиликнинг контролидан ташқари ишлайдиган кичик бир органга айлантириш йўли блан унинг ролини пасайтириш йўлидаги уринишларга йўл қўйиш мумкин эмас.

Люксембург саройида бўлган бугунги мажлисда совет делегацияси Сулҳ конференциясининг иш тартибига доир қоидаларни бевосита кўрабошлашни таклиф этди. Совет делегацияси министрлар ўринбосарлари бирқанча масалада мавжуд нуқтаий назарларни бир-бирига яқинлаштираолганликларини та'кидлаб, масалани амалий тарзда муҳокама қилиш йўли блан, конференциянинг иш тартиби ҳақидаги қоидалар тўғрисида умумий бир фикр топиш мумкин бўлур эди, деган фикрни билдирди.

Аммо, бошқа делегациялар, айниқса американлилар ва инглизлар совет делегациясининг таклифига қат'ий қарши чиқдилар. Бунинг натижасида бутун мажлис ҳарқандай дастлабки масалалар тўғрисидаги музокаралар блан ўтди. Бунинг орқасида Сулҳ конференциясининг иш тартиби тўғрисидаги масала ҳал этилмай қолди. Шу сабабдан, Министрлар Кенгаши муҳокама қилиши лозим бўлган бошқа масалалар ҳам ҳал этилмай қолди. Натижада Сулҳ конференциясининг қатнашчиларига юборилиладиган таклифноманинг текстини тасдиқлаш ҳам кечикди.

Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашида вакиллари бўлган тўрт ҳукумат конференцияни чақириш юзасидан жавобгар бўлганлиги сабабли, агар 21 давлатнинг вакиллари қатнашадиган Сулҳ конференцияси бош комиссия (бу комиссияни тузиш илгари кўзда тутилмаган эди) қабул қилган қарорларни ўз-ўзича ма'қуллайдиган бир муассасага айлантириладиган бўлса, совет делегацияси бунинг учун жавобгарликни ўз зиммасига ололмайди, деб та'кидлади. Шундай уринишлар ма'лум бўлиб қолганлиги сабабли, совет делегацияси ана шу хавфдан кўз юмиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Сулҳ конференциясига иккинчи даражали роль бериш нияти борлиги аниқ бўлганлиги сабабли, Министрлар Кенгаши конференциянинг иш тартиби тўғрисидаги қоидаларни ўзаро келишиб, тайёрлаганларидагина, конференциянинг обрўсини ошириш мумкин. Бу қоидалар Сулҳ конференцияси чақирилган вақтда унинг муҳокамасига қўйилиши керак.

Американлилар ва инглизлар совет делегациясининг таклифларига кескин суратда қарши чиқдилар. Америка делегацияси конференциянинг иш тартиби тўғрисидаги қоидаларни ўзаро келишиб тузишга қўшилиш мумкин, аммо, бу қоидалар Министрлар Кенгашининг а'золари учун ва конференциянинг бошқа қатнашчилари учун мажбурий бўлмасин, деган номақбул ва ғалати бир фикрни ўртага қўйди. Масала шу тарзда қўйилар экан, конференциянинг иш тартиби тўғрисидаги қоидаларни ўзаро келишиб тузишдан қандай ма'но бор?

Совет делегацияси та'кидлаб айтдики, Сулҳ конференциясининг вазифасини бош комиссияга топшириш тўғрисидаги таклиф Ташқи Ишлар Министрлари Москва кенгашининг чиқарган қарорларига тамомила хилофдир. Москва кенгаши Сулҳ конференциясининг роли ва ўрнини тайинлаб берди. Москва кенгаши чиқарган қарорларнинг бажарилишини та'минлайдиган иш тартиби тўғрисидаги қоидаларни белгилашдан воз кечиш мумкин эмас. Бу оддий ҳақиқат тез орада бошқа делегацияларга ҳам аён бўлиб қолади, деб ўйлаш керак. Бунинг натижасида Сулҳ конференциясининг иш тартиби тўғрисидаги қоидаларни тузиш йўлидаги тўсқинликларга барҳам берилади. Урушда қатнашган халқлар Сулҳ конференциясининг чақирилишини кутмоқдалар.

Шуниси қизиқки, матбуотнинг шовқинсурон кўтаришга мойил бўлган бир қисми Тўрт Министр Конференцияси «бошиберк кўчага кириб қолди» деб яна на'ра тортмоқда. Шу блан бирга ба'зи газеталар одатдагича муайян доираларнинг мўлжалларини изҳор қилмоқдалар. Масалан, «Монд» газетаси Сулҳ конференцияси Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши тузган битимларни яна қараб чиқиб, тамомила текшириб чиқаоладиган орган бўлиши керак, деб ёзади. Сулҳ конференциясининг иш тартиби Ташқи Ишлар Министрларининг Москва кенгашида белгиланган тартибга мутлақо боғлиқ бўлмагачида, бу ҳол халқаро реакцияга жуда мақбул тушган бўлур эди.

Сулҳ конференциясининг иш тартиби тўғрисидаги қоидаларни белгилаш масаласи яна кечиктирилганлиги оқасида бугун Германия масаласини муҳокама қилиш яна кечикди, ҳолбуки, совет делегацияси бу масалани тезроқ муҳокама қилишни талаб этган эди.

Бу ердаги журналист доиралар Германияга тааллуқли масалалар юзасидан уч ҳукумат, я'ни Қўшма Штатлар, Буюк Британия ва Франция ҳукуматлари ўртасида бошланган музокараларга э'тибор қилмоқдалар. Бу музокараларга совет ҳукуматининг вакили нима учундир чақирилмади. Бу ҳол кўп кишини таажжублантирмоқда. Бу музокаралар Германиянинг ғарбий районларига доир иқтисодий масалалар муҳокама этилмоқда, деб расмий э'лон қилинди. Аммо, музокаралар жуда маҳфий олиб борилмоқда. Бу ердаги доиралар фақат иқтисодий масалаларгина эмас, балки бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинаётир, деган фикрни билдирмоқдалар. Ҳали яқиндагина мазкур ҳукуматлар Германия масаласини сабрсизлик блан тез ҳал этиш ниятида эдилар. Эндиликда бу масаланинг Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашида муҳокама қилинишини нома'лум сабаблар блан кечиктирмоқдалар. Ана шу музокаралар блан бу ҳолат ўртасида муайян алоқа борлиги эҳтимолга кўпроқ яқиндир.

Булгория ҳукуматининг Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашига юборган баеноти

СОФИЯ, 5 июль (ТАСС). Булгория телеграф агентлиги билдиради:

Булгория ҳукумати бундан бир ой муқаддам Ташқи Ишлар Министрларининг Париждаги Кенгашига юборган баёнотини э'лон қилди. Булгория ҳукуматининг ана шу қўшимча баёнотида Булгория ҳукуматининг апрель ойида юборилган аввалги баёнотида изҳор қилган фикрлари янги далиллар блан қувватланади. Булгория Эгай денгизига олиб чиқадиган йўлга эга бўлиш ва Ғарбий Фракияни ўз тупроғига қўшишни талаб этади.

Баёнотда бундай дейилади: «Бунда гап Булгория территориясини кенгайтириш тилагида қўйилаётган да'волар тўғрисида бораётгани йўқ. Булгория грек халқига нисбатан асло душманчилик ва агрессиячилик руҳида эмас, Булгория грек халқи блан тотув ва дўст бўлиб яшашни истайди.

Аммо, Булгориянинг Эгай денгизига чиқиш йўлига эга бўлиши зарур эканлиги шу қадар аёнки, Булгориянинг бу йўлга бўлган ҳуқуқи кўп марта э'тироф этилган эди, шу жумладан халқаро битимларда э'тироф этилган эди».

Сўнгра, баёнотда та'кидланишича, Булгория Эгай денгизидан сун'ий равишда ажратиб қўйилган ва иқтисодий жиҳатдан ғоят катта аҳамиятга эга бўлган табиий йўллар ҳозир кескин қўйилган. Бунинг натижасида мамлакатнинг бирқанча районлари мазкур ҳолат вужудга келтирган адолатсизлик ва ҳаққониятсизлик орқасида иқтисодий жиҳатдан ғоят қийналмоқда.

Баёнотда айтилади: «Эй сабабдан, Эгай денгизига олиб чиқадиган йўлгина ҳақиқий йўл деб ҳисобланиши мумкин».

Сўнгра, баёнотда Булгориянинг Ғарбий Фракияга қонуний ҳаққи бор эканлиги ва Ғарбий Фракияни унга қайтариб бериш жуда зарур эканлигини исбот қиладиган далиллар келтирилади.

Баёнотда яна айтилишича, Булгория ўз органлари ва фуқаролари томонидан етказилган ҳақиқий зарар учунгина репарациялар тўлай олади, аммо, етказилган зарарлари учун ёки герман қўшинлари ёхуд грек қўшинлари томонидан етказилган зарарлар учун репарация тўлай олмайди, Баёнотда Булгориянинг иқтисодий ва молиявий жиҳатдан ғоят заифлашиб қолганлиги та'кидланади ва қишлоқ аҳолисининг бир йил ичида киши бошига тўғри келадиган ҳақиқий даромади 54 ва 82 доллар ўртасида, дейилади.

Сўнгра, баёнотда қуйидагилар айтилади: «Соф виждонли булгор халқи илгариги булгор ҳукуматлари томонидан қилинган жиноятларни эсидан чиқаргани йўқ. Шу блан бирга булгор халқи ана шу жиноятчиларга ва жиноятларга қарши курашни ҳеҳқачон тўхтатмади. Булгор халқи қонли жанглар қилиб, душманга қарши олиб борилган қаттиқ курашда қурбон бериб, азоб чекиб, шунингдек Германияга қарши урушда актив қатнашиб, ўз гуноҳини оқлади. Булгор халқи манфур фашизм қолдиқларининг ҳаммасини йўқ қилишга доим интилмоқда ва ижтимоий системасини ва бутун ҳаётини озодлик, демократия, тинчлик ва тараққиёт принциплари асосида қурмоқда. Булгор халқи ўзининг шу ишлари блан гуноҳларини ювиб юборди».

Баёнотнинг охирида қарор қабул қилинган вақтда булгор халқининг талаблари ҳаққоний суратда э'тиборга олинади, деб ишонч билдирилади ва Булгориянинг кўп йиллик истиқболи бу талабларнинг э'тиборга олинишига боғлиқ, дейилади.

ФРАНЦИЯ ТА'СИС ЭТУЧИ МАЖЛИСИДА

ПАРИЖ, 6 июль (ТАСС). Париж радиоси хабар беради: кеча та'сис этучи мажлис депутат Поль Рейнонинг мандатини ҳақиқий деб ҳисобламаслик тўғрисида Норс вилояти, 1-нчи округ 6-нчи сайлов бюроси томонидан тақдим қилинган талабномани муҳокама этди. Докладчи Габриэль Руко 6-нчи бюро Поль Рейнонинг Та'сис этучи мажлисга депутат қилиб сайланганлигини қонунга хилоф деб ҳисобланганлиги сабабини кўрсатиб берди. Руко Рейнони парламентда мажлис қилиш у ёқда турсин, ҳеч бўлмаганда жамоатчилик ҳаётидан четлатилиши лозим бўлган киши деб та'рифлади.

Поль Рейно ўзини ҳимоя қилиб сўзлади ва сўзида Франция коммунистлар партиясига қарши бир қанча қўпол ҳуруж қилди.

Мусокараларда сўзга чиққан Жак Дюкло Руко томонидан илгари сурилган талабни қувватлади. Дюкло Рейно томонидан олиб борилган сиёсатга тўхталиб, бундай кишилар Та'сис этучи мажлис курсисида эмас, балки олий судда айбдорлар курсисида ўлтириши керак.

Социалистлар партиясидан депутат Рамадье ва МРП партиясидан депутат Лекур ва радикал Эдуард Эррио сўзга чиқиб Поль Рейнонинг депутатлик мандатидан маҳрум этилишига қарши фикр баён қилдилар.

Овозга қўйиш натижасида 430 киши қўл кўтаришда қатнашди, 132 киши қарши, 298 киши ёқлаб овоз бериб Поль Рейнонинг мандати тасдиқланди.

РИМДАГИ СОВЕТ ЭЛЧИХОНАСИДА ҚАБУЛ

РИМ, 7 июль (ТАСС). Кеча СССРнинг Италиядаги элчиси ўртоқ Костилов Италияда бўлган совет ёшлари делегацияси шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул вақтида Италия министрлар советининг раиси де Гаспери, министрлар совети раисининг ўринбосари Ненни, Та'сис этучи мажлис раиси Сарагат, министрлардан Тольятти, Скочимарро, Брозио, Моле, социалистлар партияси ва Италиядаги умумий меҳнат уюшмасининг секретарьлари ҳамда бошқа сиёсий арбоблар ва жамоат арбоблари, Италиядаги ёшлар ташкилотларининг раҳбарлари, сиёсий партиялар қарамоғидаги ёшлар ҳаракати уюшмаларининг вакиллари, фан, сан'ат арбоблари ва матбуот вакиллари ҳозир бўлдилар.

БЕРЛИНДА ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ОЧИЛАДИ

БЕРЛИН, 6 июль (ТАСС). Янги демократик